

САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ: ҲАР БИР ТАКЛИФ АМАЛИЙ НАТИЖАГА,  
ҲАР БИР КЕЛИШУВ ФОЙДАЛИ ЛОЙИҲАГА АЙЛанади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4 май куни Самарқандда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 59-йиллик йиғилишининг очилиш маросимида иштирок этди.



Самарқанд жаҳон цивилизацияси бешикларида. Бу қадим кент асрлар давомида Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи марказ бўлган. Шунинг учун ҳам Амир Темур салтанати пойтахтига бутун дунё интилган, талпинган.

Ана шундай буюқ тарихий илдишлардан куч олган янги Ўзбекистон бутун яна халқаро ҳамжамият диққати марказида. Хусусан, илм-фан, турил маданиятлар ва савдо йўллари туташган кўҳна ва ҳаммиша

навқирон шаҳарда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

“Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажигини илгари суриш” шиори остида ўтказилаётган тадбирда асосий эътибор глобал ва минтақавий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қаратилган. Юздан ортқ давлатлар вакиллари, халқаро молия ташкилотлари, етакчи

банклар ва компанияларнинг нуфузли экспертларидан иборат 4000 дан зиёд иштирокчи форумда қатнашиш мақсадида Самарқандда жамланди. Улар бугуннинг муҳим мавзулари — рақамли ва “яшил” трансформация, иқлим барқарорлиги, инвестицияларни жалб қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, саноатда етказиб бериш заنجирларининг барқарорлиги каби долзарб масалаларни муҳокама қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлаб, бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилаётгани Ўзбекистонга гурур ва ифтихор бағишлаганини таъкидлади.

Дунё аҳли янги Ўзбекистон деганда, буюқ тарих ва ёрқин келажакни тушуна бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимиз халқаро миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этиладиган йирик масканга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишлардаги кўплаб халқаро тадбирларга мезбонлик қилапти. Бундай фаол мулоқот майдони оdatда йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар, дунё жамоатчилигининг мамлакатдаги ислохотларга билдирган ишончи сифатида ташкил этилади. Бу фикрни юртимизда ўтаётган халқаро тадбирлар мундарижасида ҳам тасдиқлайди.

Ушбу омилни биргина Самарқанд мисолида таҳлил қилайлик. Ўтган йили ушбу шаҳарда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, ЮНЕСКО бош конференцияси, халқаро иқлим форуми каби нуфузли анжуманлар ўтказилди. Жорий йил апрель ойининг ўзида ўнга яқин халқаро тадбирга мезбонлик қилди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ  
БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Масато Канда Жаноблари!  
Хурматли банк бошқарувчилари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишида кўриб турганимдан беҳад мамнунман. Бундай нуфузли анжуманининг юртимизда ўтказилаётгани бизга албатта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир неча минг йиллик тарихга эга, Буюқ ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган диёримиз қадимдан Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғловчи марказ бўлиб келган. Бу ерда азалдан дунё тамаддуни, илм-фан ва савдо йўллари туташган.

Буюқ тарих ва ёрқин келажакни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон эндиликда халқаро миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этиладиган йирик масканга айланиб бормоқда. Ишончим комилки, Самарқанд анжумани илғор фикр ва янги ташаббусларни илгари суришга, муҳим қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонга хуш келибсиз!  
Азиз меҳмонлар!

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти мутлақо янги ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Биз 2016 йилдан буён иқтисодий эркинлаштириш, инвесторлар учун жозибдор муҳит яратиш, глобал қўшилган қиймат занжирларида фаол қатнашиш, ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини тубдан янгиллаш, аҳоли турмуш шартини яхшилаш бўйича катта ислохотларни олиб бораёмиз.

Тарихан қисқа вақт ичида меҳнатқаш ва бунёдкор халқимиз билан мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида 35 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари

ҳисобига электр ишлаб чиқариши 1,5 баробар ошириб, 87 миллиард киловатт-соатга етказди. Бу даврда товар ва хизматлар экспорти 3 қарра ўсди, иқтисодиётимиз ҳамми эса 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етди.

Бундай ижобий натижалар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. 2020 йилдан буён Ўзбекистон суверен кредит рейтингларида ўз ўрнини барқарор ошириб бормоқда. Иқтисодий эркинлик индексида бу йил юртимиз 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодий мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди. Глобал беқарорлик шароитида ҳам иқтисодиётимиз биринчи чорак якуни бўйича 8,7 фозил ўсшига эришди.

Энг муҳими, ислохотларимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик. Биз ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёманд аҳоли даромадини ошириб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоздан бугунги кунда 5,8 фозга туширишга эришдик. Ўзбекистон охириги ўн йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда энг катта ижобий ўзгариш қилган бешта давлатдан бири бўлди.

Биз 2030 йилга қадар Ўзбекистонда барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш орқали иқтисодий ҳажмининг 240 миллиард доллардан ошириш ниятидамыз. Натижада даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига киришни ҳамда камбағалликка тўлиқ барҳам беришни мақсад қилганмыз.

Яқин кунларда 13 та стратегик йирик корхоналар активларини ўз ичига олган Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоз улусини халқаро фонд бозорига чиқарамиз. Аминманки, бундай муҳим қадим ҳамкорларимизнинг юртимиз инвестиция муҳитига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохотларда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг ўрнини алоҳида эътироф этамиз. Ишончли стратегик шергимизга айланган Банк билан ҳозирги кунга қадар қарийб 16 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, Осиё тараққиёт банки мамлакатимиздаги қайта тикланувчи энергетика, қишлоқларда уй-жой қурилиши ва Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида илк кунлардан елкадош бўлганини юксак қадраймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда жанобларига ҳамда Банк Бошқарувчиларига шахсан ўзим ва бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, яқин ҳамкорлик учун Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари раҳбариятига, шунингдек, барча хорижий шерикларимизга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Биз Осиё тараққиёт банки билан камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш, замонавий инфратузилма барпо этиш каби муҳим йўналишларда яқин ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ режаларни белгилаб олдик. Кунни кеча Банк билан 12 миллиард долларлик янги ҳамкорлик дастурини имзоладик.

Барчангиз яхши хабардорсиз, бугунги таҳликали замонда жаҳон иқтисодиётида мураккаб ўзгаришлар рўй бермоқда, янги технологиялар жадал кириб келяпти.

Барқарор тараққиётни таъминлаш учун Банк билан ҳамкорликда янги механизм ва таъсирчан ёндашувларни жорий этишни даврининг ўзи биздан талаб этмоқда.

**Биринчидан**, бугун рақамли технология ва сунъий интеллект деярли барча соҳаларни мутлақо янги форматта олиб чиқмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти прогнозларига кўра, 2040 йилга бориб, сунъий интеллект ҳисобига халқаро савдо айланмаси қўшимча 40 фозга ошади. Биз ахборот технологияларини ривожлантиришга жиддий киришганмыз. Ўзбекистонда инновация ва билимларга асосланган Сунъий интеллект хабини ташкил қилишни бошладик. Иқтисодий тarmoқларида 200 дан ортқ сунъий интеллект лойиҳалари устида ишляяпмиз. Худудларда дата марказлар, супер компьютерлар ва сунъий интеллект лабораторияларини кўлайитириш, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”ни тайёрлаш бўйича дастурларни амалга оширяпмиз.

Бу йўналишларда Осиё тараққиёт банки ҳамда АҚШ, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Япония, Корея ва Хитойдаги ҳамкорларимиз бизга яқиндан ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Албатта, таълим, тиббиёт, сув хўжалиги, экология, озиқ-овқат хавфсизлиги каби аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун энг зарур бўлган йўналишларда ҳам очиқ сунъий интеллект моделларидан фойдаланиш талаб этилмоқда.

Бунинг учун Осиё тараққиёт банки шафелигида Ривожланаётган мамлакатларда сунъий интеллект кўламини ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

➤ Давоми 2-бетда

Муҳаммад АБУНАЙЯН:  
“ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ  
ЕТУК СТРАТЕГИК ФИКРЛАШ ВА  
АМАЛИЙ ҲАРАКАТ УЙҒУНЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАЙ ОЛГАН ЕТАКЧИ”

Самарқандда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Давлатимиз раҳбари тадбирнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. Хорижий делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Хусусан, йиғилиш доирасида “ACWA” компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайн бошчилигидаги делегацияни алоқаларини кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашувдан сўнг “ACWA” компанияси раҳбари Муҳаммад АБУНАЙЯНнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Аввало, шуни алоҳида айтишим керак, ўз юртимдек бўлиб қолган Ўзбекистонда эканимдан хурсандман. Бу ерга ҳар келишим ўзига хос туйғу бағишлайди, шу лаҳзаларни интиқлик билан кутаман, — деди Муҳаммад Абунайн. — Ушбу имконият учун миннатдорман. Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда Президент Жаноби Олийлари учрашувга таклиф қилиб, юксак ҳурмат кўрсатади. Бу мен учун катта шараф.

Ҳар гал Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиш, Саудия — Ўзбекистон кенгаши доирасида турли соҳаларга сармоя жалб этишни кенгайтиришга қаратилган улкан мақсадлар ҳақида эшитиш мен учун катта мамнуниятдир. Шу билан бирга, ушбу сармоялар қай даражада амалга оширилаётганини ҳам биргаликда кўриб чиқамиз.

Жаноби Олийлари барча жараёнлардан доимо хабардор, ҳар бир лойиҳанинг ҳолати ҳақида сўрайди. Жараённи тезлаштириш ва муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган барча ёрдамни таъминлайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва ислохотларини ушбу сармояларнинг муваффақиятли амалга ошишига мустаҳкам замин яратиб келмоқда.

Бу сармоялар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир учрашувда биз, аввало, амалга оширилган ишларга баҳо берамиз. Шу билан бирга, келгусида Ўзбекистонга қандай янги сармояларни олиб кириш масаласини муҳокама қиламиз.

➤ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

### Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, Банкининг “Осиё учун рақамли магистрал” ташаббусига қўшилишимизни маълум қиламиз ҳамда Тошкентда унинг минтақавий мувофиқлаштириш марказини очиб тақдирини илгари сурамиз.

**Иқкинчидан**, рақамли технология ва сунъий интеллектнинг ривожланиши, ўз навбатида, энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни кескин оширмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги таҳлиллари га кўра, 2030 йилга бориб, дата марказларининг электр энергиясига бўлган талаби ҳозиргидан 2-3 қарра ошади. Бундай шариотда инвесторларга арзон, ишончли ва “яшил” энергия тақлиф қилган давлатларга глобал бозорда рақобатбардosh бўла олади.

Биз бу борада дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5 минг 600 мегаватт-ли йирик шамол ва қувв электр станцияларини ишга тушириб, генерацияда “яшил” энергия улушини 30 фоизга етказдик. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 54 фоизга олиб чиқшни режа қилганимиз.

Умуман олганда, минтақамизнинг қайта тикланадиган энергия генерацияси бўйича жуда катта салоҳияти бор. Тоза энергия экспортини кенгайтириш учун Марказий Осиё — Европа “яшил” энергетика коридорини яратишда Осиё тараққиёт банки кўрсатаётган ёрдам миннатдорлик билан таъкидлаймиш. Минтақа давлатлари Банк билан ҳамкорликда қисқа муддатларда ушбу “энергетик артерия” лойиҳасини бошлашига ишонамиз.

**Учинчидан**, ўзаро боғлиқ транспорт тизими ва логистика йўлақлари барқарорлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланмоқда. Жаҳондаги зиддиятлар оқибатида логистика коридорлари ўзгариши ҳозирнинг ўзида Марказий Осиё давлатлари учун юк ташини харажатининг 30 фоизгача ошишига, етказиб бериш муддатлари эса бир неча ҳафта кечикишига сабаб бўлмоқда.

Хабарингиз бор, Шарқ ва ГАРБИ боғлайдиган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари бошланган. Ушбу янги транспорт йўлаги ҳисобига бутун минтақанинг транзит салоҳияти сезиларли даражада ошади. Маҳсулотларни етказиб бериш муддати 10 кунгача қисқаради, йилга 15 миллион тоннагача юк ташини имконияти яратилади.

Бу борада Банкининг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида “Рақамли божхона ва логистика альянси”ни ташкил этишни тақлиф этамиз. Бунинг натижасида божхона тартибларини уйғунлаштириш, ҳужжатлар айланишини рақамлаштириш, чегара орқали юк ташинларни енгиллаштириш имконияти яратилади.

**Тўртинчидан**, Банк иштирокида хусусий сектор билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан манфаатдоримиз.

Айниқса, ҳозирги технологиялар асрида критик минераллар учун рақобат кун сайин авж олаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, 2040 йилга бориб, sanoat учун муҳим минералларга талаб 6 баробар ошади. Бу — янги имконият. Ўзбекистон мис, вольфрам, молибден, магний, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захирасига эга. Биз бу салоҳиятни ишга солиш мақсадида корейлик ҳамкорларимиз билан R&D маркази фаолиятини йўлга қўйдик. Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажак металлари технопарки”ни бунёд этмоқдамиз. АҚШ, Хитой, Туркия каби давлатларнинг йирик компаниялари билан қиймати 1,6 миллиард долларлик 70 дан зиёд лойиҳани бошлаганимиз.

Биз нафақат фойдали минералларни қазиб олиш, балки уларни чуқур қайта ишлаш орқали иқтисодиёт ривожига янги туртки беришни мақсад қилганимиз. Осиё тараққиёт банкининг “Критик минералдан — ишлаб чиқаришга” дастурига қўшилиш ва унинг доирасида юқори қўшимча қийматга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф этамиз. Бунда геология-қидирув ишларида замонавий технологиялар ва рақамли ечимларни жорий қилиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёنларига экологик стандартларни таъбиқ этиш, критик минералларни етказиб беришнинг барқарор занжирларини яратиш муҳим, деб ҳисоблаймиш.

**Бешинчидан**, иқлим ўзгариши ва чўллаланиш жараёнлари Марказий Осиё мамлакатлари тараққиёти учун жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Экологик муаммолар оқибатини юмшатиш мақсадида беш йилдан буён “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келямиш. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорларини яратдик. Ўзбекистонда 2030 йилгача яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш бўйича катта марра олганмиз.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки ҳам 2030 йилгача мўлжалланган иқлим соҳасида Харажатлар режасини самарали амалга ошириб келмоқда. Банк ажратаётган йиллик маблағларининг 50 фоиздан кам бўлмаган қисминини иқлим лойиҳаларини молиялаштиришга йўнатмоқда.

Ўйлайманки, бундай эзгу саяё-харажатларни Банк ва минтақа мамлакатлари билан биргаликда рўёбга чиқарсақ, натижаси янада юқори бўлади. Шу боис, “Марказий Осиё яшил белбоғи” минтақавий лойиҳасини амалга оширишни тақлиф этамиз.

**Олтинчидан**, дунёдаги нотинчлик туфайли миллионлаб туристлар хавфсиз йўналишларни қидирмоқда.

Марказий Осиё зиёрат, маданий, гастрономик, этно, экстремал, тиббиёт каби туризм

йўналишларида катта салоҳиятга эга. Бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, зарур инфратузилма, сервис, виза ва транспорт, энг муҳими, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширдик. Бунинг ҳисобига ўн йил ичида Ўзбекистонга хорижий туристлар оқими 6 қарра ошиб, 12 миллион нафарга етди.

Ўқинда Тошкент шаҳрида очилган Марказий Осиёнинг илм-фан ва маънавий хазинаси сифатида эътироф этилаётган Ислон цивилизацияси маркази, Самарқандда барпо этилган буюк аллома Имом Бухорий ёдгорлик макмуаси юртимизнинг янги дурдоналарига айланди. Бундай мажмуалар қўшни мамлакатларда ҳам бунёд этилмоқда. Шу боис, минтақа давлатларини бирлаштирадиган туристик макон — “Марказий Осиё туризм ҳалқаси”ни яратиш ташаббусини илгари сурамиз. Қўшни давлатлар, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ҳамкорларимизни туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириб, биргаликда молиялаштиришга чақирамиш.

Юқорида айтиб ўтилган барча тақлиф ва ташаббусларни биз Осиё тараққиёт банки билан фақат суверен кредитлар доирасида эмас, балки давлат-хусусий шериклик, кафолат инструментлари, аралаш молиялаштириш ва хусусий капитални жалб этиш орқали фолл ҳамкорликда амалга оширишга тайёриш. Шу муносабат билан минтақавий лойиҳалар учун Инновацион молиялаштириш платформасини шакллантиришни тақлиф этамиз.

Хурматли Банк бошқарувчилари! Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар Осиё тараққиёт банкининг кенг минтақамиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги муҳим ўрнини янада оширмоқда. Бу борада биз Банк президенти, халқаро молия ва иқтисодий муносабатлар соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган Масато Қанда жанобларининг олиб бораётган самарали ислохотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиш.

Қадрли йиғилиши иштирокчилари! Бугунги анжуманда дунёнинг 100 дан орტიқ давлати, халқаро молия ташкилотлари, етакчи банклар ва компанияларнинг нуфузли экспертларидан иборат 4 миндан зиёд вакиллар қатнашмоқда.

Самарқанд платформасида илгари суриладиган муҳим тақлиф ва ташаббуслар келгусида катта амалий натижаларга, ҳар бир келишув эса аниқ ва фойдали лойиҳаларга айланишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни Янги Ўзбекистоннинг гўзал табияти, тарихий обидалари, юртимизнинг замонавий архитектура қиёфаси билан яқиндан танишишга тақлиф қиламан.

Сўзининг якунида, сизларга мустақкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

## САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ: ҲАР БИР ТАҚЛИФ АМАЛИЙ НАТИЖАГА, ҲАР БИР КЕЛИШУВ Фойдали лойиҳага айланади

### Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон етакчиси мамлакатимиздаги ислохотлар натижаларига тўхталиб ўтди. Масалан, сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилган. Натижада 2016 йилдан кейинги қисқа муддатда минглаб замонавий корхоналар ишга туширилган. Қолаверса, товар ва хизматлар экспортини 3 қарра ўсиб, миллий иқтисодиёт қиймати 50 миллиарддан 147 миллиард долларга етгани алоҳида қайд этилди. Яна бир муҳим рақам: 35 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар оширилиб, 87 миллиард киловатт-соатга етказилди. Шу фактнинг ўзидек мамлакатда инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нақадар юқори эканидан далolat беради, албатта.

Ўзбекистон суверен кредит рейтингларидаги ўрнини 2020 йилдан буён изчил ошириб борапти. Жорий йил юртимиз Иқтисодий эркинлик индексида 14 поғона юқорилади. Шу тариха илк бор “иқтисодиёт мўътадил эркин” давлатлар қаторинда жой олди. Глобал беқарорлик шариотинда ҳам иқтисодиётимиз биринчи чорак якуни бўйича 8,7 фоизга ўсишга эришди.

— Энг муҳими, ислохотларимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик. Биз ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоиздан бугунги кунда 5,8 фоизга туширишга эришдик, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз охириги ўн йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда энг катта ижобий ўзгариш қилган беш давлатдан бири бўлди. Бундай натижадор дастлабки қадамлардир. Келгусида янада катта марралар кўзланган. Жумладан, 2030 йилга қадар барча соҳа технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказилади. Натижада иқтисодиёт қийматини 240 миллиард доллардан оширишга эришилади. Шу орқали даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш ҳамда камбағалликка тўлиқ барҳам бериш мақсад қилинган.

Президентимиз мамлакатимиздаги улкан ислохотларни Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг ўрнини, жумладан, ОТБ билан амалга оширилган ва жорий қўшма лойиҳалар портфели қарийб 16 миллиард долларга етганини алоҳида эътироф этди. Шу муносабат билан Осиё тараққиёт банки президенти Масато Қанда, Банк бошқарувчилари ҳамда Жаҳон банки, Халқаро валюта жағмармаси, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Европа тиклиниш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари раҳбариятига яқин ҳамкорлик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар ва янги технологияларнинг жадал ривожланиши ҳақида сўз юритилиб, барқарор ривожланишни таъминлаш учун Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда янги механизм ва таъсирчан ёндашувларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ана шу заруратдан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нафақат мамлакатимиз, балки минтақа учун долзарб ўнга яқин тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, рақамли трансформация ва сунъий интеллектга алоҳида эътибор қўйилди. Юртимизда Сунъий интеллект ҳабини яратиш ишлари бошланган эди. Бундан ташқари, худудларда дата марказларни қўлайлаштириш, супер компьютерларни ишга тушириш ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”ни тайёрлаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

— Таълим, тиббиёт, сув ҳўжалиги, экология, озиқ-овқат хавфсизлиги каби аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун энг зарур бўлган йўналишларда ҳам очик сунъий интеллект моделларини фойдаланиш талаб этилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Осиё тараққиёт банки шафелигида Ривожлантирилган мамлакатларда сунъий интеллект қўламини ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Ўзбекистон банкининг “Осиё учун рақамли магистрал” ташаббусига қўшилишга тайёр экани маълум қилинди. Тошкентда унинг минтақавий мувофиқлаштириш марказини очиб тақлиф илгари сурди.

“Яшил” энергетикани ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5600 мегаваттлик қувватлар ишга туширилди. Ушбу ишларнинг изчиллигини сақлаб, 2030 йилга бориб генерацияда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Осиё тараққиёт банки тоза энергия экспортини кенгайтириш учун Марказий Осиё — Европа “яшил” энергетика коридорини яратишга қўмақлашгани миннатдорлик билан таъкидланди. Минтақа давлатлари банк билан ҳамкорликда қисқа муддатларда ушбу “энергетик артерия” лойиҳасини бошлашига ишон билдирилди. Кейинги долзарб вазифа — транспорт тизимларининг ўзаро боғлиқлигини ва логистика йўлақлари барқарорлигини таъминлаш.

Халқаро логистикадаги қийинчиликлар “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуришни аҳамиятини оширмоқда. Мазкур лойиҳа юкларни етказиб бериш муддатини 10 кунгача қисқартириш ва бутун минтақа транзит салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Банкининг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) доирасида “Рақамли божхона ва логистика альянси”ни ташкил этиш тақлиф этилди.

Ўзбекистон нафақат фойдали минералларни қазиб олиш, балки уларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни мақсад қилган.

Мамлакатимиз етакчиси юқори қўшилган қийматга эга лойиҳаларни илгари сурди учун Осиё тараққиёт банкининг “Критик минералдан — ишлаб чиқаришга” дастурига қўшилиш муҳимлигини таъкидлади.

Марказий Осиё ягона тарих ва муштарак тараққиётга эга ягона минтақадир. Буни экологик масалалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Форумда иқлим ўзгаришига қарши курашиш муҳим вазифа сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари Орол денгизининг қуриган тубида ҳимоя ўрмонларини барпо этиш бўйича миллий саяё-харажатларга қўшимча равишда “Марказий Осиё яшил белбоғи” минтақавий лойиҳасини амалга оширишни тақлиф этди.

Минтақавий ҳамкорлик доирасида “Марказий Осиё туризм ҳалқаси”ни барпо этиш ташаббуси илгари сурилди. Лойиҳа минтақадаги ноёб маданий, зиёрат, гастрономик, этнографик ва бошқа объектларни сайёҳлар учун ягона маконга биёрлаштиришга қаратилган.

Билдирилган барча тақлиф ва ташаббусларни тизимли илгари суриш учун ОТБнинг лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кенг имкониятлари, жумладан, хусусий капитални сафарбар қилиш зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан минтақавий лойиҳалар учун Инновацион молиялаштириш платформасини шакллантириш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳозир жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар шариотида Осиё тараққиёт банкининг кенг минтақамиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни янада ошаётганини таъкидлади.

Яқунда Президентимиз Самарқанд платформасида илгари суриладиган муҳим тақлиф ва ташаббуслар келгусида катта амалий натижаларга, ҳар бир келишув аниқ ва фойдали лойиҳаларга айланишига ишон билдирди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташири қулчланди.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши эса давом этмоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# Муҳаммад АБУАЙЯН: “ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕТУК СТРАТЕГИК ФИКРЛАШ ВА АМАЛИЙ ҲАРАКАТ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛГАН ЕТАКЧИ”

### Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, Жаноби Олийлари компаниямизнинг турли худудларда, турли технологиялар ва ечимлар асосида амалга ошираётган барча лойиҳаларини ҳам шахсан кузатиб бормоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатингиз етакчиси Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш йўлини ўз вақтида ва жуда аниқ белгилаб берди. Хусусан, “яшил” энергетика, энергия алмашинуви ва энергетик хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Президентини бошқа қўллаб-даватлар хали бу масалаларга тўлиқ эътибор қаратмасиданоқ, ушбу йўналишларда аниқ ва узокни кўзланган мақсадларни белгилаб берди. Қайта тикланадиган ва “яшил” энергия улушини ошириш бўйича қатъий ёндашув шаклланди.

Энг муҳими, бу лойиҳалар фақат технология нуктаи назаридан эмас, балки иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий таъсир жиҳатидан ҳам пухта ўйланган. Бу эса самарадорлигини таъминлайди, таннархни оптималлаштириши ва барқарор натижага олиб келади.

Айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг энергия сисъати қўллаб-даватлар учун намуна бўла олади.

Бу жараида фақат таъминот масаласи эмас, балки тўғри иқтисодий ёндашув ва ижтимоий омилилар, жумладан, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ҳам ҳисобга олинган.

Жаноб Президент инсон капиталига алоҳида эътибор қаратади. Мамлакатингизда ёшларни янги технологияларга ўқитиш, уларни замонавий билимлар билан таъминлаш, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Курилиш, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларда маҳаллий кадрларнинг иштирокчини таъминлаш, уларни ўқитиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда.

Саудия Арабистонида энергетик трансформация ва “яшил” энергетикани жорий этиш жараёни Валиахд шаҳзода ва Бош вазир

раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик натижасида энергетика самарадорлиги бўйича муҳим янгилчиликлар ва билимлар алмашинуви йўлга қўйилди. Бугун бу йўналишда институционал асослар ҳам яратилган.

Буларнинг барчаси Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг етакчилиги остида шаклланган яқин ва ишончли ҳамкорлик самарасидир.

Бугунги кунда дунёдаги қўллаб-даватлар энергетик хавфсизлик масаласини инқироз шариотида ҳал қилишга мажбур бўлмоқда. Аммо Ўзбекистонда бу масала анча олдиндан, стратегик ёндашув асосида ҳал этилган. Шунинг учун ҳам мамлакат бугунги глобал ўзгаришларга барқарор ҳолда жавоб бермоқда.

Бу эса Президентингизнинг узокни кўра билиши, қатъияти ва пухта режалаштирилган сисъати натижасидир.

Биласизми, очик ва самимий айтганда бўлсам, мен давлатингиз раҳбари етакчилигида жуда таъсирланганман. Дунёда стратегия ва қарашлар ҳақида гапирадиган етакчилар кўп. Лекин бу ғояларни амалга оширадиган, уларни реал натижага айлантирадиган етакчилар жуда кам.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари айнан шундай етакчи. Мамлакатингиз раҳбари нафақат стратегияни белгилайди, балки уни ҳаётга таъбиқ этади, натижага эришади ва бу жараёнга шахсан масъулият билан ёндашади.

Энг катта устулиги эгаллик ҳисси ва амалий ёндашувидир. Президентингиз фақат режа тузиб қолмайди, балки уни тўлиқ амалга оширишга эришади. Шу билан бирга, нафақат мамлакат ёки минтақа учун, балки халқаро ҳамжамят учун ҳам кучли намуна бўлиб келмоқда.

Бугун биз буни амалда кўриб турибмиз. Илгари Ўзбекистонга инвесторларни жалб қилиш жуда қийин эди. Қўллаб-даватлардан инвесторлар деярли келмасди.

Ҳозир эса вазият мутлақо ўзгарган. Бугун бутун дунёда сифатли ва йирик инвесторлар Ўзбекистонга келмоқда. Бу катта меҳнат, изчил ислохотлар ва қатъий сисъий ирода натижасидир.

Шафтофликни таъминлаш, институционал ислохотлар, меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси босқичма-босқич амалга оширилди. Энг муҳими, бу жараёнлар ортида ҳақиқий қатъият ва амалий ҳаракат турибди.

Бугун халқаро анжуманларда ҳам буни яққол кўриш мумкин. Биз айни пайтда иштирок этаётган тадбирда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан келган иштирокчиларни кўриб турибмиз.

Яқин кунларда бўлиб ўтадиган инвестиция форумида ҳам бу янада яққол намоён бўлади. Ишончим комилки, у ерда сиз дунёнинг турли мамлакатларидан келган етакчи компаниялар ва инвесторларни кўрасиз.

Бу Ўзбекистоннинг қандай ўзгаргани, қандай имкониятлар очилганини кўрсатадиган энг аниқ далилдир.

Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ҳар қандай инвесторнимас, балки жиддий, узок муддатли, масъулиятли ва шерикликка тайёрларинига қабул қилади. Бу ерда “келиб-кетадиган” сармоядорлар учун шариот яратилмайди. Узок муддатли, ўзаро манфаатли ва барқарор ҳамкорлик қадрланади.

Бундай ёндашув натижасида сифатли инвесторлар келмоқда ва улар ўз сармоясидан муносиб натижа олмақда.

Президент Жаноби Олийларига алоҳида раҳмат айтиш керак. У киши жуда кўп мамлакатларда хали кузатилмаган даражадаги ислохотларни амалга оширди.

Марказий Осиёга қаранг. Президентингиз қўшни давлатлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Қўллаб-келишмовчиликларни ҳал этишга хизмат қилди ва минтақада ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини шакллантирди.

Бугун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги яқинлик ва ҳамжихатлик — бу ҳам кучли сисъий ирода ва етакчилик натижаси.

Нега баъзи давлатлар бундай тезликка эриша олмаётти? Чунки бу ерда фақат раҳбарлик эмас, балки етуқ стратегик фикрлаш ва амалий ҳаракат уйғунлиги мавжуд.


Президент Жаноби Олийлари ана шу уйғунлигини таъминлай олган етакчи. Шунинг учун ҳам бутун қўллаб-даватлар ва халқаро дорларлар Ўзбекистондаги ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарамоқда.

Хитой, Швейцария, Америка Қўшма Штатлари каби қўллаб-даватларда бўлди. Ҳамма жойда бир нарсани кўрдим. Одамлар Ўзбекистон ҳақида эшитган, қизиқиш билдирмоқда ва бу мамлакатни яқиндан танишни истаётти.

Ўзбекистон бутун дунёдаги энг ёрқин трансформация мисолларидан бирига айланди. Бу, албатта, Президент Жаноби Олийларининг етакчилиги ва халқнинг қўллаб-қувватлаши натижасидир.

Шу билан бирга, мен бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман: бу ютуқлар ортида буюк халқ турибди. Ёшлар мамлакатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Улар билимга чанқоқ, ўзгаришларга тайёр ва юқори мақсадларга интиломоқда. Бу эса келажак учун янада катта имкониятлар эшигини очади.

Биз эса Саудия Арабистони ва Саудия бизнес кенгаши сифатида, шунингдек, “АСWA” ва “Vision Invest” компаниялари орқали Ўзбекистонда турли инфратузилма лойиҳаларига сармоя киритмоқдамиз.



Нодир МАХМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз ҳаётидаги қўтлуг ва муҳим воқеа — Мустақиллик байрами сари яқинлаштиряпти. Давлатимиз раҳбари апрелнинг дастлабки куниди имзолаган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорда назарда тутилган мақсад ва вазифалар қўтлуг кун моҳиятини янада теран хис этишимизга хизмат қилади. "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" деган бош ғоя эса юртимиздаги туб ислохотлар, маънавий юксалиш ва миллий тикланиш жараёнини қалбан англашимизга ёрдам беради.

Қарордаги мақсад ва вазифалар аҳоли фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш каби йўналишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Миллий истиқлолимизнинг давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун бекиё аҳамиятини ҳисобга олиб, халқимиз катта тантана билан нишонлайдиган байрамни янги Ўзбекистоннинг бутунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидagi нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлашга доир топшириқлар белгиланган.

Буюк Амир Темурунинг шонли ва шуқуҳли фаолияти, у асос солган қудратли салтанатнинг оламшумул ютуқлари, давлат бошқарувидаги тадбирли ва қатъиятли сиёсати, асрларга бўйлаган бунёдкорлик ишлари ўзбек миллати қадр-қимматини жаҳон тамаддуни саҳнида юксак мавқега олиб чиққан.

Президентимиз 9 апрель кунини Тошкент шаҳридаги Амир Темуру хибонига ташриф буюриб, улуг ватандошимиз, машҳур давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Халқимиз табаррук заманимиздан шундай улуг зот этишиб чиққани билан доимо фахрланиб, гурурланиб яшайди. Айниқса, бутунги янги Ўзбекистон шариоҳида Амир Темуру ва темурийлар тарихида ҳамда меросини чуқур ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу шонли сулола даврида яратилган темурийлар Ренессанси мамлакатимизда янги Ўйғониш даври пойдеворини яратилишида халқимиз учун ишонч, илҳом ва куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу кунинг янгида реконструкция қилинган Темурийлар тарихи давлат музейига ҳам ташриф буюрди. Улуг зот таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида жорий йил 5 февраль кунини Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, ҳар йили апрель ойи "Амир Темуру ойлиги" деб эълон қилиниб, таълим муассасалари, илмий марказлар ва маҳалларда темуруно олимлар, ёзувчи ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва маърифий тадбирлар ўтказилади.

Президентимиз музейнинг янгилашган экспозицияси ва ташриф буюрувчилар учун яратилган шариотлар билан танишар экан, аждоқлар меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш нақадар муҳим эканига ургу берди.

Дунё ҳавис қилгулик тарихимиз, меросимиз бор. Соҳибқирон тарихини жамлаган музей замона муносиб янги қиёфага келгани яхши бўлди. Энди бунини аҳолимизга, ёшларга, хорижлик меҳмонларга етказиш энг катта вазифамиз. Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билимларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг барчаси — аждоқларимиз қолдирган меросда, илмда. Шу боис, ёшларимизни, нурунийларни, умуман, аҳолимизни маҳаллабай тарзда музейларга олиб келиб, буюк тарихимиз ҳақидаги билимларини оширишимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Сана муносабати билан пойтахтимизда "Амир Темуру ва темурийлар тамаддунининг

жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Президентимиз нуфузли анжуман иштирокчиларига табрик йўллади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тақлифига биноан 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлиб, Минтақавий экологик саммит ва Оролни қўтариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Минтақавий экологик саммитнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. Марказий Осиёдаги иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Атмосфера ҳавоси сифати ёмонлашган шариоҳда "Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси" давлатларо консорциумини таъсис этиш тақлифи билдирилди.

Президентимиз Тошкентдаги Яшил университет ҳузурда фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қургўқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг буронлари ҳақида бараҳат оғохлантириш марказига минтақавий мақом бериш муҳимлигини таъкидлади. Технологик ўттиш жараёнини тезлаштириш учун имтиёзли божхона тартиблари ва экомасхулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олишни назарда тутувчи "Марказий Осиё яшил савдо йўли"ни шакллантириш ташаббуси илгари сурди.

Ёшлар орасида иқлим кун тартиби ва экологик маданиятини илгари суртиш учун 2022 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишга тайёрилик билдирилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Оролни қўтариш халқаро жамғармаси (ОҚЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз етакчиси Оролни қўтариш халқаро жамғармаси ноёб минтақавий тузилма сифатида фаолият юритиб келаятгани, Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига сабаб бўлаётган



иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган шариоҳда унинг роли ва аҳамияти янада ортаётганини таъкидлади.

Тадбир якунида етакчилар Остона баёнотини, Қозғистон ташрифининг бориши тўғрисида, 26 мартни Халқаро Орол денгизи, Амударё ҳамда Сирдарё кунини деб эълон қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон етакчисини 2027-2029 йилларда жамғарма президенти этиб сайлаш тўғрисидаги қарорларни имзоладилар.

Экология, маданият, туризм ва спорт. Бу апрель ойида кун тартибига энг кўп чиққан мавзулар дейиш мумкин. Бир-бирини тўлдирувчи бу тўрт йўналиш ҳар домигидек йилнинг тўрттинчи ойида ҳам давлатимиз раҳбарининг эътибори марказида бўлди.

Президентимиз 1 апрель кунини "Яшил макон" умумимиллий лойиҳаси доирасида қўчат экиш тадбирида иштирок этиб, 108 гектар майдонда Миллий дендрология боғини барпо этишга шарт берди. Иштирокчилар билан бирга боғнинг илк 5 гектарида манзарали қўчатлар экди.

Кенг жамоатчилик вакиллари билан мулоқот чоғида маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларни жойларда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни янада кенг тарғиб қилиш, клублар ва жамоалар ташкил этиш, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга даракхат ва буталар экишга бош бўлишга қақирди.

Шу кунини Президентимиз мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган БМТ Туризм бош котиби Шайха Носир ан-Новайсини қабул



қилди. Ўзбекистон ва БМТнинг ушбу ихтисослашган муассасаси ўртасидаги кўп қиррали ва узок муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз раислигида 7 апрель кунини жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 15 апрель — Маданият ва санъат ҳодимлари кунини муносабати билан соҳа вакилларига табрик йўллади. Шу кунини Кўксарой қароргоҳида мамлакатимиз етакчиси иштирокида миллий эстрада санъати ёрқин намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимиз етакчиси Фаррух Зокировни ушбу қўтлуг сана билан самимий қутлади.

Ойнинг сўнги саналари — 29 апрелда гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари, 30 апрель кунини эса табиати муҳофазаси, экологик барқарорлигини таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофазаси этилаётган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича тақлифлар тақдими бўлиб ўтди.

Президентимиз 2 апрель кунини Бухоро, 8 апрелда эса Тошкент вилоятидаги ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини самарали фойдаланиш ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди. Шунингдек, 9 апрель кунини бўлиб ўтган йиғилиш кун тартибидан Фарғона вилоятининг Сўх туманини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари масаласи ўрин олди.

16 апрель кунини Тошкент шаҳри иқтисодиётида юқори ўсиш суръатини таъминлаш, мавжуд захираларни тўлиқ ишга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қўлай шариотлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари 10 апрель кунини Бухоро шаҳрига ташриф буюриб, дастлаб вилоятнинг янги маъмурий марказидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Сўнг Бухоронинг тарихий қисмига ташриф буюрди, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари билан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбарига вилоятнинг иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган бошқа қурилиш лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Мамлакатимиз етакчиси тақлифига биноан Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Олий мартабали меҳмонини Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар биргаликда Баҳоуддин Нақшбанд макбарасини зиёрат қилди.

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган етакчилар учрашувида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз 23 апрель кунини Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигига ташриф буюрди. Дастлаб ҳокимлик биноси ёнидаги Салар канали устида қурилган кўприкни, ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди ва шу ерда қўчат экди.

Ўзбекистоннинг ғалабаси эканини таъкидлади. Мамлакатимизда шахматни кенг омаллаштириш, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу спорт турини тарғиб этиш, навқирон авлод қалбида миллий гуруру, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш бора-сидаги катта хизматлари, шунингдек, Кипрда ўтказилган FIDE Номзодлар турнирида рекорд натижалар кўрсатиб, мундтайдан олдин голибликни қўлга киритгани учун Жавоҳир Синдоровни Президентимизнинг "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшиттирилди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Бутунжаҳон таъжовдо федерацияси президенти Чо Чунг Вонни қабул қилди. Мулоқот чоғида ҳамкорликнинг янги истиқболлари муҳокама қилинди.

27 апрелда кўхна Хива шаҳрида мусиқа ва санъат байрами — "Лази" III халқаро рақс фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз санъат анжумани иштирокчиларига табрик йўллаб, уларни чин қалбдан муборакбод этди.

Ойнинг сўнги саналари — 29 апрелда гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари, 30 апрель кунини эса табиати муҳофазаси, экологик барқарорлигини таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофазаси этилаётган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича тақлифлар тақдими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2 апрель кунини Бухоро, 8 апрелда эса Тошкент вилоятидаги ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини самарали фойдаланиш ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди. Шунингдек, 9 апрель кунини бўлиб ўтган йиғилиш кун тартибидан Фарғона вилоятининг Сўх туманини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари масаласи ўрин олди.

16 апрель кунини Тошкент шаҳри иқтисодиётида юқори ўсиш суръатини таъминлаш, мавжуд захираларни тўлиқ ишга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қўлай шариотлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари 10 апрель кунини Бухоро шаҳрига ташриф буюриб, дастлаб вилоятнинг янги маъмурий марказидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Сўнг Бухоронинг тарихий қисмига ташриф буюрди, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари билан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбарига вилоятнинг иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган бошқа қурилиш лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Мамлакатимиз етакчиси тақлифига биноан Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Олий мартабали меҳмонини Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар биргаликда Баҳоуддин Нақшбанд макбарасини зиёрат қилди.

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган етакчилар учрашувида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз 23 апрель кунини Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигига ташриф буюрди. Дастлаб ҳокимлик биноси ёнидаги Салар канали устида қурилган кўприкни, ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди ва шу ерда қўчат экди.

Ҳокимликда вазиятлар маркази ташкил этилиб, сўний интеллект асосида таҳлил қилиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "Ақли туман" платформаси ишлаб чиқилган. Президентимиз вазиятлар маркази фаолияти билан танишиб, ушбу янги тизимни пойтахтнинг қолган туманларида ҳам жорий этишга топшириқ берди.

Давлатимиз раҳбари тумандаги Ўзбекистон овози кўчасида ташкил этилган гастрономик туризм кўчаси фаолияти билан ҳам танишди. Замонавий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган шариотларни кўздан кечирди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманида янги бунёд этилган "Pavilion" савдо мажмуаси фаолияти ва имкониятлари билан танишиб, мажмуа қурилиш материаллари бозорида янги маданият, янги сифат ва янги хизмат стандартларини шакллантирадиган маскан бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президентимизнинг апрель ойида навбатдаги ташриф манзили гўзал Фарғона бўлди. Бу ерда барпо этилаётган янги турар жойлар, тадбиркорлик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларига инвесторларни жалб этиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар кўламини юртимизда кечаётган ислохотларнинг ҳудуддаги кўзгуси дейиш мумкин.

Мамлакатимиз етакчиси фарғоналикларнинг барча ислохотларнинг олдинги сафида бўлишига ишонч билдирди. Бунини водий аҳли кўтаринки қайфиятда қабул қилди. Икки кунлик ташриф Қўқон шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" массивида бажарилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишувдан бошланди. Қадимий масканда қад ростлаётган янги массив нафакат ўй-ғой мажмуаси, балки ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини ўзгартирувчи замонавий марказ сифатида шаклланоқда.

Фарғона водийсида Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатновни йўлга қўйилди. Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу йўналишдаги илк поездда Қўқондан Марғилон шаҳрига келди. Марғилон шаҳрида "Бурхониддин Марғинович" илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Биз ушбу мажмуани айнан Марғилон шаҳрида барпо этганимиз замирида жуذا чуқур тарихий ва ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бу табаррук шаҳар қўтлаб илм ва маърифат эгаларини вожага етказган. Тарихий манбаларда айтилишича, мазкур қўтлуг маскан "Маърифат аҳлининг ватани" деган юксак шарафга сазовор бўлган. Биз ана шундай қудратли маънавий меросимизга таяниб, Марғилон, бутун Фарғона тарихининг шон-шараф китобига янги саҳифалар битмоқдамиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурулансак арийдим, — деди давлатимиз раҳбари.

28 апрель — ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз иштирокида Фарғона вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Умуман, Президентимиз апрель ойида йиғирмадан ортик тақдимот ва ҳисоботлар билан танишди. Хусусан, олий таълим, фан ва инновациялар тизимини янада такомиллаштириш, тўлғова қобилиятчилик институтини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий оғир тадбиркорлик субъектларини соғломлаштириш бўйича янги ёндашувлар, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва солиқ органлари фаолиятини ислоҳ қилишга доир тақдимотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, жамоат ҳаётидаги таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, электрон тижоратни ривожлантириш ва бонд омборлар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тақлифлар тақдимот қилинди.

"Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030" стратегияси лойиҳаси, ташқи меҳнат миграциясини тартибли ташкил этиш, фуқароларни хориждаги юқори даромадли иш ўринларига тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама химоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар, ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган тақлифлар ҳам тақдимотлар мавзусини қамраб олди.

Видеоселектор йиғилишларида эса уй-ғой қурилиши ва урбанизация соҳасида бажарилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинган бўлса, мутаассадилар нефть-газ тармоғида барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш юзасидан давлатимиз раҳбарига ахборот берди.

Президентимизнинг 7 апрель кунини Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. 15 апрель кунини Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Сергей Кириенко бошчилигидаги делегацияни, 20 апрель кунини "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмасида мамлакат делегациясига бошчилиқ қилаётган Россия Федерацияси Хўкумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуровни қабул қилди.

Бундан ташқари, апрель ойида мамлакатимиз уй-ғой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда геология соҳаси ҳодимлари касб байрамини нишонлади. Давлатимиз раҳбари уларга табрик йўллади. Шунингдек, Самарқанд бўлиб ўтган "Жамоат саломатлиги ва ҳаётидаги таъминлаш мақсадида транс-миллий наркотихидларга қарши курашиш" мавзусидаги халқаро форум иштирокчиларини қутлади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 24 апрель кунини ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакат иқтисодиётидаги ҳозирги ҳолат ва устувор йўналишларни аниқ белгилаб бергани билан янада аҳамиятли бўлди. Ҳудуддаги илмий биринчи чорак янқилари таҳлил қилинди, ҳудудлар ва тармоқлар кесимидаги кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди, илм ақунгича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, келаси ой 2 миллиард 400 миллион долларлик давлат активларининг 30 фоизи илк бор халқаро фонд бозорларига чиқарилиши қайд этилди. Бу Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилиб, 13 та стратегик корхона бошқаруви нуфузи "Franklin Templeton" компаниясига берилгани билан боғлиқ.

Мамлакатимиз етакчиси барча даражадаги раҳбарлар бутунги мураккаб вазиятда натижа учун шахсан масъул эканини таъкидлади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринлари яратиш, экспортни қўпайтириш, инвестиция сифати ва тадбиркорлар муаммоларининг ҳал қилиш ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий мезони бўлиши белгиланди.

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Кўксарой қароргоҳида тантанали кутуб олиш маросимида сўнг Ўзбекистон Президенти ва Чехия Республикаси Бош вазирининг тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида музокаралари ўтказилди.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси ушбу ташриф Ўзбекистон — Чехия муносабатлари тарихида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беришини алоҳида таъкидлади. Барча соҳада ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Узаро савдо ҳажминини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Товар айирбошлашни, шу жумладан, маҳсулот турларини кенгайтириш орқали 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш Кенгайтирилган ҳамкорликни илгари суртиш тўғрисида қўшма декларацияни имзолادилар.



# Фаровон ҳаёт ва эртанги кунга ишонч кафолати

Президентимизнинг 27-28 апрель кунлари Фаргона вилоятига ташрифи ҳудуд ривожини янги босқичга олиб чиқди. Бугунги ҳолат ва истиқболдаги устувор йўналишлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Натижалар эътироф этилиб, давр нафасига мос тарзда янги марралар белгилаб олинди.



Дурдона ГАФУРОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Шу маънода, мазкур ташриф ҳудудни комплекс ривожлантириш, иқтисодий драйверларни шакллантириш ва “Янги Ўзбекистон” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги муҳим стратегик қадам бўлди.

Президентимиз уй-жой қурилиши, sanoat, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва рақамли технологиялар каби кўплаб соҳалардаги истиқболли лойиҳалар, қили-

тараққий этган. Шу боис, у доим гавжум, серҳаракат одамлар яшайдиган шаҳар бўлган. Лекин йиллар давомида шаҳар қиёфаси деярли ўзгармади. Оқибатда аҳоли сони ошиб, уй-жойга эҳтиёж кучайди. Эски инфраструктура туфайли эса бу талабни тўлиқ қаноатлантириш жуда мушкул эди. Янги массив айнан шу муаммага замонавий ечим сифатида барпо этилмоқда.

Президентимиз аввалги ташрифи чоғида массивни бунёд этиш борасида топшириқлар берган эди. Ушбу топшириқ ва кўрсатмалар асосида ишлар жадал бажарилди. Натижада оилалар қисқа муддатда замонавий, барча шароитга эга хонадонларда яшомоқда.

— Оилалар билан “Янги Ўзбекистон” массивидан уй сотиб олишни режалаштир-япмиз. Биринчи навбатда, бу ерда-ги инфраструктура ва



демакдир. Кўп қаватли 84 та уй билан бирга мактаблар, боғчалар, ОТМ, бизнес ва савдо марказлари, дам олиш ҳудудлари қурилаётгани эса массивнинг тўлиқ шаклланиши таъминламоқда. Ҳозир лойиҳанинг биринчи босқичи якунлашиб, 4000 дан ортиқ хонадонли 56 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилгани ишларнинг сўзга эмас, амалда бажарилаётганини кўрсатади. Тайёр хонадонлар нисбатан энгил шартлар асосида, 35 фозили бошлангич тўлов эвазига 20 йил муддатга берилган кўплаб оилалар учун катта қулайлик.

Фаргона водийси шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатнови йўлга қўйилиши ҳам тарихий воқеа бўлди. 324 километрли темир йўл ҳалқаси водий вилоятларини ўзаро яқинлаштириб, аҳоли ва тadbиркорлар учун хавфсиз ҳамда арзон транспорт хизматини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам Фарғонада ўзига хос “тажриба мактаби” яратилган. Қува туманидаги “Қува Агростар” мажмуаси ана шундай замонавий маънада. Бу ерда маҳсулот етиштиришдан экспортгача бўлган

жараён битта тизимда занжир ҳалқасидай бирлашган. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, тизим тўлиқ замонавий технология ва илмий салоҳиятга асосланган. Шу боис, деҳқонлар 10 сотих томорқадан 250 миллион сўмгача даромад олиш имкончилигига ишоняпти. Бунинг сирини ўрганишга рағбат кучаймоқда. Мамлакатимизда илк бор агро-волтаика технологияси жорий этилди. Бу сўзни илк бор эшитганимизда нима эканини англаганимиз табиий. Ургансак, бу битта жойнинг ўзида қуёш энергиясини олиш учун панеллар ўрнатиш, уларнинг соясида эса деҳқончилик ва чорвачилик қилиш экан. Бу технология сав сарфини 40 фоз камайтириб, ҳосилдорлигини 25 фоз ошириш имконини бermoқда.

Халқимиз қувончига сабаб бўлган яна бир йирик лойиҳа ҳақида айтиб ўтиш жоиз.

“Каркидон” сув омбори ҳудудида 635 миллион сўмлик замонавий туризм мажмуаси барпо этилмоқда. Шу орқали Фарғона экотуризм марказига айланади. Илгари “Каркидон” сув омбори ҳудуди қаровсиз, яндоқ қирлар ва даштдан иборат эди. Энди бу жой энг замонавий дам олиш ҳудуди ва яшил маконга айланмоқда. Эътибор қилинг: 508 гектарни эгаллаган мажмуада агротуризм, экотуризм ва экстремал туризм имкониятлари бирлашади. Бундай кенг қамровдаги танлов эса сайёҳлар оқимининг кескин кўпайишига сабаб бўлади. Шунга яраша замонавий меҳмон уйлари, шалелар ҳам қурилади. Ресторанлар ва экзотер сабаб мажмуа янада жозибдор қиёфа касб этади. Лойиҳа амалга оширилиши, юздан ортиқ тadbиркорлик субъекти фаолият юритиши. Расмий манбаларга кўра, ҳудудда 2000 га яқин иш ўрни очилар

“Каркидон” сув омбори ҳудудида 635 миллион сўмлик замонавий туризм мажмуаси барпо этилмоқда. Шу орқали Фарғона экотуризм марказига айланади. Илгари “Каркидон” сув омбори ҳудуди қаровсиз, яндоқ қирлар ва даштдан иборат эди. Энди бу жой энг замонавий дам олиш ҳудуди ва яшил маконга айланмоқда. Эътибор қилинг: 508 гектарни эгаллаган мажмуада агротуризм, экотуризм ва экстремал туризм имкониятлари бирлашади. Бундай кенг қамровдаги танлов эса сайёҳлар оқимининг кескин кўпайишига сабаб бўлади. Шунга яраша замонавий меҳмон уйлари, шалелар ҳам қурилади. Ресторанлар ва экзотер сабаб мажмуа янада жозибдор қиёфа касб этади. Лойиҳа амалга оширилиши, юздан ортиқ тadbиркорлик субъекти фаолият юритиши. Расмий манбаларга кўра, ҳудудда 2000 га яқин иш ўрни очилар

“Каркидон” сув омбори ҳудудида 635 миллион сўмлик замонавий туризм мажмуаси барпо этилмоқда. Шу орқали Фарғона экотуризм марказига айланади. Илгари “Каркидон” сув омбори ҳудуди қаровсиз, яндоқ қирлар ва даштдан иборат эди. Энди бу жой энг замонавий дам олиш ҳудуди ва яшил маконга айланмоқда. Эътибор қилинг: 508 гектарни эгаллаган мажмуада агротуризм, экотуризм ва экстремал туризм имкониятлари бирлашади. Бундай кенг қамровдаги танлов эса сайёҳлар оқимининг кескин кўпайишига сабаб бўлади. Шунга яраша замонавий меҳмон уйлари, шалелар ҳам қурилади. Ресторанлар ва экзотер сабаб мажмуа янада жозибдор қиёфа касб этади. Лойиҳа амалга оширилиши, юздан ортиқ тadbиркорлик субъекти фаолият юритиши. Расмий манбаларга кўра, ҳудудда 2000 га яқин иш ўрни очилар



наётган ишлар билан танишиди. Бу Фарғона вилояти бугун нафақат иқтисодий, балки инновацион ва ижтимоий ривожланиш марказига айланиб бораётганини кўрсатади. Ташрифнинг Қўқон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивидан бошланганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Бу массив халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган йирик ижтимоий лойиҳадир. У ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартирувчи замонавий марказ сифатида қад ростламоқда.

Мамлакатимизда аҳоли учун муносиб яшаш шароити яратиш миссияси йил сайин амалий натижаларда намоён бўлаётганини Қўқон шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви мисолида кўриш мумкин. Қадимий Қўқонда ҳам тadbиркорлик

шароитлар маъқул келди. Мактаблар, боғлар, савдо марказлари — ҳаммаси бир жойда. Хонадонлар тайёр таъмирланиб, барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бу — оиламиз учун катта қулайлик. Чунки уйни жиҳозлашга қўшимча харажат қилиш шарт эмас, — дейди қўқонлик Музаффаржон Маҳмамов. — Биз бошлангич тўлов ва йиллик ставка ҳам қулай деб биламиз. Шу тарзда уй сотиб олиш биз учун яхши имконият. “Янги Ўзбекистон” массиви нафақат янги хонадонлар, балки янги ҳаёт бошлаш имконияти дегани.

Ҳудудга 1 триллион 850 миллиард сўм йўналтирилиб, 25 минг киши яшайдиган макон барпо этилаётгани оддий кўрсаткич эмас, балки минглаб оилаларнинг осуда ҳаёти



## Бугуннинг гапи

Бугун мамлакатимизда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳаларда юртдошларимиз иштироки, жамоатчилик овози ва назорати ортиб бормоқда. “Очиқ бюджет” портали орқали турли ташаббуслар илгари сурилиб, одамларнинг ўзи овоз тўплаётгани, ғолиб лойиҳаларга белгиланган маблағ ажратилаётгани шунга имкон берапти. Айнан шундай лойиҳалар натижалари ва халқнинг овози билан ҳудудларда янги йўллар, жамоатчилик масканлари, таълим даргоҳлари, дам олиш манзиллари барпо этилмоқда.



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# “МЕНИНГ БОҒИМ”

ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛГАН ТАШАББУСЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА 52 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Мамлакатимиз бўйлаб кўкаламзорлаштириш жараёнида ҳам аҳоли бевосита иштирок этмоқда. Гап бу ўринда юртдошларимизнинг “Очиқ бюджет” порталига жойланган “Менинг боғим” лойиҳаси орқали жамоат парклари, боғ ва яшил ҳудудларни ташкил этиш бўйича катта маблағ талаб этиладиган йирик ташаббусларни ҳам илгари сураётгани ҳақида. Бунда тақлиф этилган лойиҳалар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилиб, тегишли тартибда овозга қўйилади. Ғолиблар аниқланганча, энг кўп овоз олган боғ ёки жамоат паркинчи молиялаштириш бошланади.

— “Менинг боғим” лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан илк бор 2024 йилда ишга туширилди ва ўшандан буён ўзгариб келинмоқда, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Тураев. — Лойиҳанинг илк мавсумидаёқ юртимиз бўйлаб 53 мингдан ортиқ овоз берилиб, 215 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Уларни молиялаштириш учун эса 48,6 миллиард сўм ажратилди. Бу ана шу маблағлар ҳисобидан юзлаб ҳудудларда боғлар ташкил этилиб, яшил масканлар пайдо бўлганини аниқлатади. Молиялаштиришга муносиб лойиҳалар овоз берилган сўм билан тўланади. Ҳар бир тақлиф қиймати 250 миллион сўмни ташкил қилади. Мазкур сумма ўртача ҳисобда олинган. Агар ташаббус кўпроқ маблағ талаб қилса, маҳаллий бюджетдан ортиқ маблағдан ҳам молиялаштирилиши назарда тутилган.

“Менинг боғим” лойиҳасининг 2026 йилги мавсуми 1 апрелдан 30 апрелга қадар давом этади. Дастлаб “Очиқ бюджет” портали орқали фуқаролар лойиҳа тақлифларини киритди. Мазкур босқичда ҳудудлардан жами 610 та лойиҳа келиб тушган. Кейинги

босқичда ушбу лойиҳалар белгиланган талаб ва мезонлар асосида сараланганча, овоз берилган босқичга ўтказилди. 30 апрелгача давом этган бу босқичда 41,2 мингдан ортиқ овоз берилгани эълон қилинди.

Лойиҳа натижалари ҳам қисқа муддатда маълум қилиниб, ғолиблар рўйхати электрон порталга жойлаштирилди. Унда жорий йилги мавсумда юртимиз бўйлаб 208 та лойиҳа ғолиб деб топилганини кўриш мумкин. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун эса давлат бюджетидан 52 миллиард сўм ажратилади.

Ташаббуслар манзили ва мазмуни турлича, аммо ҳар бирининг йўналиши бир хил — ҳудудларда яшил масканларни барпо этиш, қаровсиз қолган жойларни кўкаламзорлаштириш, экологик муҳитни яхшилашга ҳисса қўшишга қаратилган. Самарқанд вилояти Иштихон туманидан Қувондиқ Хуббимов киритган ташаббус энг кўп — 9265 та овоз билан ғолиб лойиҳалар орасида етакчилик қилмоқда. Юртдошимиз ҳудуднинг Соҳибкор маҳалласидаги Ғойиб ота қабристонига кўп йиллик арча дарaxтларини екиш, маҳаллада трансформатор ўрнатиш ва артезиан қудуғи қазиш лойиҳасини киритган. Ана шу ташаббусни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 250 миллион сўм ажратилди.

Ғолиб деб топилган яна бир лойиҳа ташаббускори Икром Бўронов Тошкент вилояти Беҳобод туманида узоқ йиллик дарaxтлардан иборат яшил парк барпо этиш тақлифини илгари сурган. Лойиҳада боғ ҳудудида одамлар дам олиш учун ўриндиқлар ўрнатиш ҳам назарда тутилган. Тақлиф 8995 та овоз тўплади ва уни молиялаштириш учун давлат

бюджетидан 250 миллион сўм ажратилди. Бошқа бир лойиҳа орқали эса Фарғона вилояти Риштон туманида “яшил” жамоат парки барпо этиладиган бўлди.

Лойиҳанинг энг кам овоз билан ғолиб бўлган ташаббуси Тошкент шаҳри Яншоноб

Лойиҳалар экологик муҳитни яхшилаш баробарида одамларнинг яшилликка, табиатга интилишини рағбатлантиради. Қолаверса, уларда овоз берган аҳоли ҳар бир лойиҳанинг молиялаштирилиши, амалга оширилишини ҳам бевосита ҳоқимликлар билан биргаликда

ҳаракат қилишга чорламоқда. “Менинг боғим” лойиҳаси ҳам атроф-муҳитни асрашга бефарқ бўлмаган, “яшил” масканлар кўпайиши тарафдорни бўлган ҳар бир фуқаронни жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди.

Лойиҳа аънаваний “Яшил макон” умумийлик ҳаракати билан уйғун амалга оширилётгани боиси шунда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, “Яшил макон” доирасида давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг бир қисми “Менинг боғим” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Лойиҳаларни амалга оширишдаги очкилик, ҳисобдорлик, жавобгарлик каби жиҳатлар ҳам тегишли низомада назарда тутилган.

Тақлифлар бевосита жамоатчилик билан боғлиқ бўлган ҳолда ҳудудларда екиладиган дарaxт ва ўсимликлар, барпо этиладиган боғларга ким ҳамхўрлик қилиши масаласи ҳам долзарб. Мутахассисларнинг маълум қилишича, бу фуқароларнинг ўзига ташлаб қўйилмади. Ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда пудратчи ташкил қилинади. Дейлик, бир ҳудудда жамоат паркинчи ташкил қилиш керак бўлса, лойиҳачи, яъни туман ва шаҳар экология бўлими парқдаги йўлаклар, ёриғиш чироқлардан тортиб, сугоргиш тизимингача қандай бўлишини лойиҳалаштиради. Пудратчи ажратилган маблағ ҳисобидан кўчатларнинг туپроқ-иқлим шароитига мосларини танлайди ва шу асосда уларни экади. Уч йилгача сугорилишдан тортиб, агротехник тadbирларгача — ҳамма вазифа пудратчига юкланади.

Атрофимизда битта янги дарaxт пайдо бўлса ҳам қувонамиз, боғларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Бу инсоннинг азалдан табиат

экан. Бу — жуда катта рақам. Ҳеч шубҳасиз, уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги янги саҳифа десак бўлади. Режалар ҳам шунга яраша балан олдинган. Масалан, ҳар йили 750 минг сайёҳ “Каркидон”га келиши кутилмоқда. Ана шу кўрсаткичнинг ўзиёқ миллиардлаб сўм даромад, бюджет тушуми дегани.

Фарғона вилоятидаги ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, Қува туманидаги техникумни алоҳида тилга олиш керак. Чунки бу ердаги янгиланишлар шунчаки рақам ёки ҳисобот эмас, балки ёшлар ҳаётини реал имкониятларга айланиб бормоқда. Техникумга на-зар ташлаб, бугун меҳнат бозорига қандай касбларга талаб юқори эканини дарҳол ҳис қилиш мумкин. Немис ва хитой тилларини ўрганаётган ёшлар, логистика ёки дроптар орқали қишлоқ хўжалигини бошқаришни ўзлаштираётган ўқувчилар келажакка мустаҳкам пойдевор қўймоқда. Айниқса, “ақлли” ирригация ёки қуёш панеллари билан боғлиқ йўналишлар бугуннинг талабига жуда мос келади. Мухими, бу ерда назария билан чекланиб қолинмайпти. Дуал таълим тизими орқали 550 ўқувчи билимини амалиёт билан уйғун ҳолда ўзлаштиряпти. Бу уларнинг иш топшири ёки фаолиятини бошлашда қўл келади. Стартап марказида фарғоналик ёшлар янги ғоялар ишлаб чиқмоқда. Улар робототехника, СММ, мобилграфия, дизайн каби йўналишларда ўзини синаб кўрапти, изланмоқда. Даромади юқори бўлган келажак касбларини ўрганипти. Шу маънода, Қува техникуми ёшлар замонавий касбларини эгаллаб, келажак йўлини белгилаб оладиган ишонч кўрғонига айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар сабаб Фарғонада яна бир гўзал ва бетакрор мажмуа пайдо бўлди. Мамлакатимиз етакчисининг 2025 йил 1 апрелдаги қарори асосида “Бурхониддин Марғинович” мажмуаси барпо этилди. Бу ерга келган киши миллий меъморилик аънаваларини кўради. Марғилов тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Замонавий туризмнинг талабларига тўла жавоб берадиган шарт-шароитларда сайёҳлар қулайлигини ҳис этади. Бу ерда меҳмонхона, қарвонсарой, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари, хунармандлар маркази, миллий бозор ва музейлар қуриб битказилган.

Айниқса, “Отбек ва Қумуш уйи” музейи сайёҳларни ўзига чорлайдиган, миллийлик ва қадриятларимизни таранум этадиган обод манзилга айланди. Девоҳларда “Ўткан кунлар” романи саҳналари жонлантирилган, адабиёт ва тарих уйғуллашган. Шунингдек, мактам театри, шонир ва расомлар хўбона, кутубхона ҳам сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли учун очил.

Фарғона бугун ислохотлар марказига, инновациялар майдонига ва янги имкониятлар ҳудудига айланмоқда. Мухими, барча ислохотлар инсон манфаатлари, фаровон ҳаёт ва барқарор ривожланишга қаратилган. Шу боис, фарғоналиклар бугун ҳар доимгидан ҳам кўра кўтаринки руҳда, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан ҳаракат қилмоқда. Президентимизнинг ташрифи вилоят аҳли учун янги имкониятлар эшигини очди. Халқимизга янада кўтаринки руҳ берди. Қўзланган юксак марралар иштиёқи, унга эришмоқ йўлидаги изланишлар шижоати ҳар биримизнинг қалбимизда жўш уряпти. Мухими, кейинги йиллардаги амалий ўзгаришлар халқимиз қалбига қўзланган маррага, албатта, эришамиз деган ишончини мустаҳкамлаб бормоқда.

билан уйғунликда яшашга мослашганидан бўлса керак. Мазкур масала жиддий экологик муаммага айланганига қадар ҳам отаболаримиз ерга кўчат қадаб, боғ-роғларни кўпайтириши қанда қилмаган. Бугун давом этаётган ушбу ҳаракатлар энди юртимизда умумийлик ҳаракатга, жамоатчиликни яна бир мақсад йўлида бирлаштираётган ташаббусларга айланди.

Орада маълум вақт унутилиб қолган агро-муҳитга ҳамхўрлик тушунчаси қайтдан, замонавий лойиҳалар асосида оммалашиб бораётир. Биргина “Яшил макон” умумийлик лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат екилаётгани келажак авлоднинг экологик барқарор муҳитда яшашини таъминлашга қаратилган катта мақсадларнинг бир қисминдир.

Шу жиҳатдан жорий йил 1 апрель кунини давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида Миллий дендрология боғини барпо этишга старт бериб, боғининг илк 5 гектар майдонига манзарали кўчат екиш тadbирини иштирок этгани тарихий воқеа бўлди. Миллий дендрология боғи нафақат кўкаламзор ҳудуд, балки илмий, маърифий ва жамоат макони сифатида шакллантирилди. Боғ бўйлаб турли минтақаларга хос дарaxтзор, гулзор ҳудудлар, дам олиш майдонлари, пидедалар ва велосипед йўлакларини барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари тadbирда ҳудудларда яшил боғлар барпо этиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокини янада кенгайтиришни тақлиф қилди. Шу асосида жорий йилдан “Менинг боғим” лойиҳаларини ташкил этишни тақомиллаштириш ва уларни амалга оширишда янги механизмлар жорий этилмоқда. Энди лойиҳаларни ҳудуднинг туپроқ-иқлим шароити ва сув таъминотига мос равишда шакллантириш тизими, лойиҳалар доирасида яшил боғлар ва жамоат паркларида дарaxтлар ҳамда ўсимликларни екиш, уларни доимий парвартириш, барпо этилган объектлар ҳолатини сифатли сақлашнинг янги амалиётини киритиш шулар жумласидан.

Шунингдек, “Менинг боғим” лойиҳаси танловида ғолиб деб топилган лойиҳалар энди Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ғолиб деб эътироф қилиниши мумкин. Бунда депутатлар рақамидан битта лойиҳачи сайловчилар манфаатлари ва ҳудуднинг экологик ҳолатидан келиб чиқиб, ғолиб деб топилган амалиётни йўлга қўйилди. Қўшимча ғолиблар эса лойиҳа якунлангач, белгиланган муддатда аниқланади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Миллий давлатчилигимиз тарихидан

КЎЗГҮ

5

2026 йил 5 май, 89-сон

Ногиронлиги бор инсонларни спортга жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини яхшилаш, ижтимоий ҳаётнинг фаол ижодкорига айлантириш кун тартибидagi масалалардан бири. Алоҳида эҳтиёжли инсонлар, айниқса, ёшлар учун спорт билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Кейинги йилларда паралимпия, сурдлимпия, махсус олимпия ҳаракатлари ҳамда кўзи оқизлар спортини мувофиқлаштирувчи ягона ва яхлит тизим уларнинг жисмоний ва руҳий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, спорт орқали жамиятга янада яқинлаштириш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолият юритаётгани

ўтказилиб, уларнинг спортга қизиқиши ўрганилади. 76 мингдан ортиқ ногироннинг спортга қизиқиши оширилиб, машгулотларга йўналтирилди. Имкон даражасида кадрлар тайёрланди, малакаси оширилди, лекин бу етарли эмас. Эндиликда халқаро ютуқларни ўрганиш, малака ошириш, кадрлар тайёрлашнинг сифат даражаси юксалтирилиши керак.

Олдимизда турган яна бир вазифа ногиронлиги бор спортчиларнинг оила аъзоларини спортга қизиқтириш ва уларга осон ўзлаштирилиши мумкин бўлган энгил маълумотларни беришдир. Бу ўқув адабиётлари, қўлланмалар, видео, аудиоматериаллар бўлиши мумкин. Биз ота-оналарга фарзандини жисмоний ёки ақлий нуқсонли борлиги учун жамиятдан узиб қўймаслиги зарурлигини тушунтиришимиз керак.

Адаптив спорт ва инклюзив таълим ҳақида илмий маълумотлар одамларнинг соҳага муносибати ижобий томонга ўзгартиради. Жамиятга фаол интеграция, спорт билан шуғулланиш саломатлигини сақлаш ва яхшилашнинг аjoyиб реабилитацияси эканини янада тeрaнpoқ тушунишларига туртки бeради.

Ногиронлиги бор спортчилар учун машгулот жараёни мослаштирилган бўлиши керак. Буларнинг барчаси ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Бунда илмий тадқиқотчиларнинг



**BESH TASHABBUS PARALIMPIADASI**

Адаптив спорт

**САЛОМАТЛИК УЧУН АЖОЙИБ РЕАБИЛИТАЦИЯ**

жамиятда маънавий-ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, инклюзивликни кучайтириш йўлида ҳам катта аҳамиятга эга. Ана шу сайёҳаракатлар бугун ногиронлиги бўлган инсонлар жамиятда тенг ҳуқуқли, фаол ва муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам замин яратиши баробарида халқаро мусобақаларда улар эришадиган ютуқларда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мисол учун, 2025 йилдаги халқаро спорт мусобақаларида ногиронлиги бор 638 нафар ватандошимиз иштирок этиб, 476 та медални (184 та олтин, 168 та кумуш ва 124 та бронза) қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

2025 йилда илк мартага 33 та адаптив спорт тури бўйича республика чемпионати ўтказилди ва унга 7,9 минг спортчи қамраб олинди. Бунда, албатта, яратилган шарт-шароит муҳим аҳамиятга эга. Биргина ўтган йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган 405 та спорт майдончаси фойдаланишга топширилгани хайри ишлардан далолатдир.

Адаптив спорт ногиронлиги бўлган одамлар учун мўлжалланган, аънавий спорт турларининг мослаштирилган версияларини (масалан, ногиронлар аравачасида баскетбол, ўтирган ҳолда волейбол) ва махсус ишлаб чиқилган спорт турларини ўз ичига олади. Асосий мақсад реабилитация, ўзига ишончни ошириш, ижтимоий интеграция ва юқори спорт натижаларига эришишдир.

— Дунёда 100 га яқин адаптив спорт тури бўлса-да, республикамизда 2025 йилга қадар ногиронлиги бўлган шахслар фақат 16 та адаптив спорт тури билан доимий шуғулланиб келган, — дейди Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциацияси раиси ўринбосари Фарҳод Расулов. — Сайёҳаракатлар туфайли ўтган йилнинг ўзида 236 минг ногирон шахсининг 86,7 мингти спортга жалб қилинди. Жорий йилда 100 мингдан ортиқ ногирон адаптив спорт билан қамраб олинди.



89 тага эришилди. Спорт соғломлар учун ютуққа эришиш, соғлиғини сақлаш воситаси бўлса, ногиронлар учун реабилитация демокатидир. Ногиронлиги бўлган шахс жамиятга интеграция қилиниши, ижтимоийлаштирилиши оиланинг фаровонлиги, мушкул вазиятдан қийиб кетишига сабаб бўлади.

Йиғилишда Президентимиз бугун параспортчиларимиз эришадиган натижаларда уларга туну кун ҳамроҳлик қилаётган фидойи инсонларнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Энди ўқув йилларини, республика ва халқаро мусобақаларда параспортчи ҳамроҳлик қилган шахсларнинг транспорт ҳамда яшаш харажатлари қоплаб берилади. Уларга ҳар ой спорт мактаби мураббийлари ойлигига тенг миқдорда маош тўланади. Биргина мисол, кўзи оқиз ва заиф кўрувчиларда спорт билан шуғулланиш бошқаларга қараганда бирмунча мураккаб. Уларнинг ёнида ҳамроҳ бўлиши шарт. Бошқа спорт турлари ҳам бундан мустасно эмас. Машгулотлар вақт талаб этади. Айниқса, катта халқаро мусобақаларга тайёргарлик ўзидан кечмайди. Бу жараёнларда спортчи ҳамроҳлик қиладиганлар қатор моддий муаммолар билан юзма-юз келиши мумкин. Ана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда. Бу спортчининг жамиятдан четда қолмаслиги, тўлиқ ҳаёт кечириши ва ўз салоҳиятини намоён қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Спортчининг ортда турган инсонлар рағбатлантирилиши эса янада юқори натижаларга эришишга муҳим омилдир.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# АРАБШОҲИЙЛАР ВА ҚўНФИРОТЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИДА ХИВА ХОНЛИГИ

1511 йилда Хоразмда ҳокимият тепасига келган арабшоҳийлар икки асрдан кўпроқ муддат давомидат ўлкани идора қилди. Улар Чингизхон наслидан бўлиб, Жўчичоннинг ўғли Шайбонхонга бориб тақаллади. Сулоланинг илк вакили Элбарсхон даврида Туркманистоннинг жанубий қисми, Сарахс, Орол ва Мангишлоқ каби ҳудудлар хонликка бўйсундирилган. Мамлакат пойтахти Вазир шаҳри бўлган.

Элбарсхондан кейин тахтни Султон Ҳожихон эгаллади. Кейинги ҳукмдорлар Ҳасанқулихон, Бучғоҳон, Суфиянхон, Аванешхон, Қалхон, Ақатойхон, Дўст Муҳаммадхон даврида мамлакатда сиёсий бошбоқдоқлик ва ўзаро ички кураш авж олди. Ташқаридан ҳужум кўпайди. Ушбу ҳолатларнинг аксариятига Ҳожи Муҳаммадхон барҳам бера олди. Унинг даврида сиёсий аҳвол бир оз ўнгиланиб, мамлакатда тинчлик ҳукм сурди. Сугрома деҳқончиликка асосланган иқтисодиётни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида қатор ишлар бажарилди, янги каналлар қазилди. Хусусан, Урганч ва Кат ҳудудларини бошқарган Али Султон Янгиариқ ва Тошли Ермиш каналларини ишга туширди.

Араб Муҳаммадхон ҳукмронлигининг аввалида Ёйик казаклари бир неча бор мамлакатга бостириб кирди. Қалмоқлар ҳам Хоразмга юриш қилди. Шунга қарамай, хон янги сугорини ишюотлари барпо этиш ва ирригация тармоқларини кенгайтириш ишларини давом эттирди. Хусусан, унинг ташаббуси билан Араб Муҳаммад канали бунёд этилди. Яна бир муҳим сиёсий ўзгариш — Хива шаҳри пойтахт этиб белгиланди. Пойтахтнинг кўчирилиши шарафига Хивада хон номидан 1616 йили мадраса барпо этилди.

Уша даврда хонликда ички вазият кескинлашди. Хоннинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс ўзаро тахт таллашиб, отасига қарши уруш бошлади. Жангда мағлуб бўлган ҳукмдор Қум қалъасига банди қилинди ва ўша ерда вафот этди.

1643 йилда Хива тахтини эгаллаган Абулғозихон мамлакатни бириктира бошлади. Унинг ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви соҳасида ҳам ўзгариш юз берди. Бу ҳақда сарой муаррихи Шермухаммад Мунис “Фирдавс ул-иқбол” асарига ёзган. Абулғозихон 360 ўзбек (амир)ни расмий лавозимга тайинлайди.

1657 йилда Карманга уюштирилган ҳарбий юришдан қайтаётган Абулғозихонга Бухоро ҳукмдори Абдулазизхон ҳужум қилади. Угли Анушахоннинг қахрамонлиги туфайли Абулғозихон муқаррар мағлубият ва ўлимдан омон қолди. Абулғозихон Хивага қайтган, катта тўй уюштиради ҳамда ўгли Анушахонга Ҳазораспни туҳфа этиб, унинг шарафига Ичан-қалъада масжид ва ҳаммом бунёд этади.

Абулғозихон 1663 йилда тахтни ўгли Анушахонга топширади. Анушахон даврида мамлакатда ҳокимият янада мустаҳкамланди. Ички сиёсатда туркман уруғларининг маквеини тиклаш учун ҳаракат қилинган бўлса, ташқи сиёсатда Эронга қарши кенг қўламли ҳарбий ҳаракатлар уюштирилиб, Машҳад шаҳри уч марта эгалланди. Учинчи марта ишғол этилган Анушахон шох сифатида тахтга ўтказилди. Хон мамлакатда ирригация тармоқларини янада кенгайтди. Хусусан, Хива хонлигида Ермиш ҳамда Шохобод каналлари қазилди. Ермиш каналининг қазилишига Кат шаҳрининг сувсиз қолиши сабаб бўлган эди. Шунингдек, канал бўйида Қиёт қалъасига асос солинди. Шохобод каналининг қазилиши Анушахонни ўша даврдаги сиёсий вазият ундаганиди. Абулғозихон даврида туркманларни сиёсий бошқарувдан узоқлаштириш ва мамлакатдан сиқиб чиқаришга интилиш қузатилган бўлса, Анушахон, ақсича, улар хизматидан фойдаланишга қарор қилди. Туркманлар хизматини муносиб тақдирлаш

мақсадида Шохобод канали ёрдамида янги ўзлаштирилган ерларни улар ўртасида тақсимлади. Анушахон буйруғи билан Шохобод қалъаси қад ростлади.

Анушахон вафотидан кейин тахтни эгаллаган ўғиллари Худойодхон ва Арангхон даврида Хива хонлигининг сиёсий бирлиги ва мамлакатдаги нисбатан тинч ҳаёт сақланиб қолди. Бироқ кейинги ҳукмдорлар даврида Хоразмда сиёсий беқарорлик ҳукм сурди. Форс ҳукмдори Нодиршоҳ Афшор Хива хонлигини эгаллаган 1740 йилгача бўлган даврда мамлакатда 13 нафар ҳукмдор алмашди. Улардан Шохниёзон даврида хоннинг бевосита ташаббуси билан Пахлавон Маҳмуд мақбараси таъмирланди, зияратгоҳ ҳовлисида қудуқ қаздирилди.

Арабшоҳийлар сулоласи вакилларида Шерғозихон даврида мамлакатдаги ички курашларга барҳам берилиб ҳамда қўшни ҳудудларга қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар уюштирилди. Хусусан, Хива қўшини Машҳад ва Нишопур шаҳарларига юриш қилиб, шаҳарларни қамал қилган ҳамда қўлпалаб ўлжа билан қайтган. Шунингдек, бу даврда Россия империясининг Хива хонлигини эгаллашга қаратилган тўғридан тўғри тажовузи олди



олинди ва 1717 йилда А.Бекевич-Черкасский бошчилигидаги рус қўшини қириб ташланди. XIX асрнинг 60-йилларида Хива хонлиги ҳаётида нотинч сиёсий вазият юзага келди. Марказий ҳокимиятнинг сиёсий бошқарувдаги ўрни анча қуцисланди. Ана шундай шароитда, 1767-1770 йилларда туркманларнинг Хива хонлигини эгаллашга уриниши бир оз муддат бўлса-да, муваффақиятли яқунланди. Туркманларнинг ёвмат уруғи аҳоли мулкчи-ни талади, мамлакатда зулм авжига чиқди. Бундай оғир шароитда қўнғирот уруғига мансуб Муҳаммад Амин оил мамлакатдаги инқирозли ҳолатни яхшилашга киришди. У амалда ҳокимиятини 1763 йили қўлга киритган бўлса-да, 1770 йили Хива хонлиги қарши туркман қабилаларининг ҳужумини



қайтариш билан мамлакатдаги ҳукмронлигини тўла таъминлади. Муҳаммад Амин иноқ Хива хонлигида қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берди. Шундай қилиб, янги сулола вакиллари мамлакатни 1920 йилгача идора қилди.

У марказий ҳокимиятни кучайтириш ва янги бошқарув тартибини ўрнатишга интилди. Ҳар бир ҳудудга ўзига содиқ кишиларни ҳоким сифатида тайинлаш ҳамда уларни ўз хоҳишига кўра лавозимларидан озод қилиш тартибини жорий этди.

Нодиршоҳ Афшор ҳужумидан Хива шаҳри катта зиён кўриб, қалъа деворлари вайронга айланган эди. Муҳаммад Амин иноқ Хива қалъаси деворларини қайта қурдирди, шаҳарда мадраса бунёд эттирди. Ушбу тизим даргоҳи “Мадраасайи иноқия” номи билан машҳур бўлиб, “олимлар бошпанаси” ва “фозиллар маскани”, дея таърифланган.

Муҳаммад Амин иноқ вафотидан кейин Хива тахтини ўгли Аваз иноқ эгаллади. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатда ички кураш сақланиб қолди. Жумладан, Оролдан Мангит шаҳрига кўчирилган ўзбеклар вақти-вақти билан исён кўтариб турди. Бу таҳдид Элтузархон даврида ҳам давом этди. Элтузар эски аъна — фақат чингизийлар авлодидан бўлган шахслар хон бўлиши мумкинлиги борасидаги мутлақ ваколатни йўққа чиқарди.

У солиқ соҳасида ҳам катта ислохотлар ўтказди. Хоннинг ташаббуси билан солиқ йиғиш жараёни ва тартиби ўзгарди, маъмурий бошқаруви марказлаштириш мақсадида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, Хива хони томонидан ҳудудларга ҳоким ва қозиларни тайинлаш амалиёти жорий этилди. 1806 йили Бухоро хонлиги қўшинига қарши жангда Элтузархон мағлубиятга учради ва ҳалок бўлди. Бироқ Хива хонлигининг Бухорога қарши вайронкор ҳарбий юришлари Амир Ҳайдар даврида кучайди.

Элтузархон бошлаган кенг қўламли ислохотчилик ҳаракати Муҳаммад Раҳимхон I даврида ҳам давом эттирилди. Муҳаммад Раҳимхон I ички курашларга барҳам бера олди. Узоқ қаршиликдан сўнг 1811 йилда ороллик мангитларни ўзига итоат эттирди.

Кейинги қўнғирот ҳукмдор Аллоҳқулихон даврида Хуросонга бир неча бор ҳарбий юриш уюштирилди. Бешта юришда хоннинг ўзи шахсан иштирок этди. Шунингдек, Бухоро билан муносибат Аллоҳқулихон ҳукмронлигининг сўнгига келиб кескинлашди. Аммо бу даврда мамлакат маданий ҳаётида юксалиш кузатилди. Хусусан, Тошхўлий биноси, Робинка боғи, карвонсаройи ва Тошхавз қалъаси қириб битказилди. Хива шаҳрининг атрофи девор билан ўраб олинди. Шунингдек, 1835 йилда Аллоҳқулихоннинг бевосита ҳомиyliлигида 99 ҳужрадан иборат йирик мезморий мажмуа — мадраса шаҳарнинг Ичан-қалъа қисмида қад кўтарди. 1836 йилда эса Қўхна Имом мадрасасининг қурилиши ниҳоясига етказилди. Аллоҳқулихон ўша даврда хароб аҳволга келиб қолган диний-маданий муассасалар биноларини таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига ҳам жонбозлик кўрсатди.

Аллоҳқулихон вафотидан кейин тахтни ўтирган Раҳимқулихон ташқи сиёсатда отаси бошлаган ишларини давом эттирди. У қиска муддат ҳукмронлик қилган бўлса-да, маданий соҳа ривожига хисса қўишга улгурди. Хусусан, унинг ташаббуси билан 1843 йилда хонлик пойтахтида 20 ҳужрали мадраса бунёд этилди.

Муҳаммад Аминхон даврида қўчманчи қабилаларни тинчлантириш ва қўшни ҳудудларни эгаллашга қаратилган сайёҳаракатлар муваффақиятли бўлди. Хусусан, Марвни ишғол қилиш мақсадида Бухоро амрлиги ва Хуросонга қарши 10 дан ортиқ

юриш қилинди. Хон бир неча бор Россия ва Усмонлилар империяларига элчи юборди. Хива шаҳрида 130 ҳужрадан иборат катта мадраса бунёд этди.

Саййид Муҳаммадхон тахтни эгаллаши билан қатор ҳарбий-сиёсий ислохотлар ўтказди. Шунингдек, қўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф этишга муваффақ бўлди. 1858 йилда Н.Игнатъев бошчилигидаги рус элчилиги гуруҳини Хивада қабул қилди.

Саййид Муҳаммад Раҳимхон II Хива тарихида энг узоқ ҳукмронлик қилган хон сифатида қолди. Ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мамлакат ички ва ташқи ҳаётида барқарорлик сақланиб турди. Бироқ 1873 йилда Хоразмни рус қўшини босиб олди. Шу йили 12 август кун Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ва Хива хони Саййид Муҳаммад Раҳимхон II ўртасида Гандмиён шартномаси имзоланди. Натижада Хива хонлиги протекторатга айлантирилди. Саййид Муҳаммад Раҳимхон II илм-фан ва санъатга ҳомилийк қилди, мамлакатда қўлпалаб диний-маданий муассасалар бунёд этди.

1910 йил 16 августда Саййид Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан кейин хонлик тахтини эгаллаган Асфандиёхон маммурий ва молиявий ислохотлар ўтказишга киришди. Мансабдорларнинг ваколатларини аниқ белгилаш ва уларни давлат газнасига ҳисобидан доимий маош билан таъминлаш, ерларни қайта ҳисоблаб, рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларни мутанозил ҳолатида солиққа тортиш, меҳнат мажбуриятларини энгиллаштириш қабилаар шулар жумласидан эди.

Юқоридagi чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 1910 йил 13-15 сентябрда Саййид Асфандиёхоннинг манифести эълон қилинди. Ислохотлар доирасида мамлакат пойтахтида илк почта-телеграф ва шифохона қуриш режаси тасдиқланди. Хива шифохонасини бунёд этиш ташаббусини 1910 йили Хива хони Саййид Асфандиёхон бош вазир Исломқўжа ҳамроҳлигида Санкт-Петербургда уюштирилган сафари давомида Россия императори Николай II билан учрашуви чоғида билдирган эди. Исломқўжа Николай II нинг ўгли шаҳзода Алексей Николаевич шарафига мажор шифохонани барпо этишни тақлиф этган.

Асфандиёхон манифести асосида 1911 йил 20-22 январь кунлари 10 бўлимдан иборат ислохот дастури ишлаб чиқилиб, сарой амалдорларни кенгаши томонидан тасдиқланди. Бироқ жадал бошланган чора-тадбирлар бош вазир Исломқўжанинг ўлими туфайли ниҳоясига етмай қолди. Петроградда рўй берган февраль инқилоби Хива хонлиги ҳам таъсир кўрсатди. 1917 йил 5 апрелда ёш хивалиқлар талаби билан Асфандиёхон манифести эълон қилинди. Унга кўра, хон ҳокимияти чекланиб, вакилик органи — мажлис тузиш кўзда тутилди. Кейинчалик сиёсий қулаш қисмида қад кўтарди. 1836 йилда эса Қўхна Имом мадрасасининг қурилиши ниҳоясига етказилди. Аллоҳқулихон ўша даврда хароб аҳволга келиб қолган диний-маданий муассасалар биноларини таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига ҳам жонбозлик кўрсатди.

Аллоҳқулихон вафотидан кейин тахтни ўтирган Раҳимқулихон ташқи сиёсатда отаси бошлаган ишларини давом эттирди. У қиска муддат ҳукмронлик қилган бўлса-да, маданий соҳа ривожига хисса қўишга улгурди. Хусусан, унинг ташаббуси билан 1843 йилда хонлик пойтахтида 20 ҳужрали мадраса бунёд этилди.

Муҳаммад Аминхон даврида қўчманчи қабилаларни тинчлантириш ва қўшни ҳудудларни эгаллашга қаратилган сайёҳаракатлар муваффақиятли бўлди. Хусусан, Марвни ишғол қилиш мақсадида Бухоро амрлиги ва Хуросонга қарши 10 дан ортиқ

Қаҳрамон ЯКУБОВ,  
ЎзФА Шарқшунослик институти  
етакчи илмий ходими, тарих  
фанлари доктори

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Номдак қишлоғида истиқомат қилувчи уруш фахрийси, “Жасорат” медали соҳиби Анорбой ота Жалилов бу йил 100 ёшни қаршлади. Байрам арафасида ҳам табриклар, ҳам дуосини олиш мақсадида отахоннинг файзли хонадониди бўлди.



Самимий суҳбат давомида Анорбой ота ҳаёт йўли ва бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етиш ҳақида сўзлаб берди.

— Уруш фахрийси сифатида ҳар доим йўқлашди, саломатлигимдан хабар олиб, яқиндан ёрдам беришди, — дейди отахон. — Ёшлигимизда юрагимизда фақат бир орзу бор эди — осовишта ҳаёт, бир бурда нонни ўз уйимизда, яқинларимиз ёнида хотиржам тановул қилиш. Минг шукр, орзуларимиз ушланди. Ҳар тонг саломат уйгонганимга, ўтаётган кунимга шукрона келтираман. Бугун юртимиз тинч, халқимиз фаровон яшамоқда, фарзандлар, неварачевараларимиз бахтли. Шунинг учун мен учун катта муқофот. Давлатимиз раҳбари кўмағида соғлигимизни тиклаш учун даволанамиз, эътибор натижаси ўлароқ совғалар оламиз.

**“ ҲАР БИР ИНСОН КАМ ЕБ, КЎП ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ, СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ, ЭНГ МУҲИМИ, ИЛЛАТЛАРДАН ЙИРОҚ БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ЕР БИЛАН ИШЛАНГ, БОҒ ЯРАТИНГ, МЕҲНАТДАН ҚОЧМАНГ. ”**

Бугун Бухоро вилоятида 3 нафар уруш фахрийси умргузаронлик қилмоқда. Улардан бири — Олот туманидаги Ёш ботир маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳожимурод ота Бектошев. 1926 йили туғилган отахон ёшлик чоғлариданок тақдирнинг оғир синовларига дуч келди.



18 ёшида урушга юборилди ва 26 ёшида Ватанга қайтди. Йўқчилик машаққатларини бошдан кечирди. Лекин отахон оғир шaroитга қарамай, ўқиб изланди, оила қурди. 45 йил мактабда ўқитувчилик қилиб, ёш авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўлди. Илм-маърифат йўлидаги меҳнати туфайли эл-юрт олдида хурмат қозонди.

Бугун Ҳожимурод ота — 7 фарзанднинг отаси, 47 неварачи билан 50 дан ортиқ чеваранинг ардоқли бобоси. Ҳар бир кун шукрона билан ўтмоқда. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчиларига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул муқофоти берилиши ҳақида эшитган отахон мамнуллигини изҳор этди.

Гуличехра ДУРДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# Очерк

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz\_official | yuz.uz\_news | yuz.uz\_news

Вояга етганимда Орол денгизи қайтиб кетган эди. Унинг қуриган тубидаги чанг-тўзон кўкка кўтариларди. Одамларнинг гурунглари сувсизлик, экологик инқироз каби мавзуларда бўларди. Ишсизлик юқори, ёшларнинг олий ўқув юртига қабул қилиниш кўрсаткичи жуда паст эди. Тор ва чанг кўчаларимиз оралаб оталаримиз балиқ овиға, акаларимиз иш излаб хорижга кетарди. Ўн саккиз ёшим ана шундай синовли кунларга тўғри келган. Ўшанда айримлар қийинчиликларга чидамай, Мўйноқдан кўчиб кетди. Донишманд эл эса дорилмон кунлар қайтиб, Орол яна тўлишига умид билан яшарди. Қанча синов бўлсада, туғилган тупроғини табаррук билган халқ чанг ютса ҳам, биров ёрдам қўлдан чўзмай ҳам шукр қилиб яшайверди. Чунки улар денгиз билан олишиб ўсган мард инсонлар эди!

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# ОРОЛНИНГ ҲАҚИҚИЙ ФАРЗАНДЛАРИ ЯШАР МЎЙНОҚДА!

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети журналистика факультетида ўқиб юрганымда турмуш қурдим. Умр йўлдошим ҳам мўйноқлик, қўшни маҳалладан. Ўшанда биринчи марта ўқишга рўмол ўраб келганимда гуруҳ бошлиғимиз бахт тилади. Сўнг: “Мўйноқда нима бор? Тўрткўл, Беруний, Чимбой каби тупроғи унумдор жойда яшайдиган йиғитларни танламайсани? Мўйноқда ҳеч нарса йўқ”, деди ҳазил қилиб. Бу ҳазил ҳақиқатга тўғри келарди. Туманимизда шароит оғир эди. Аммо она маконим ҳақидаги бу гап ёқмади. “Устоз, яхши киз маҳалладан ортайди. Қолаверса, Мўйноқнинг қизиман, Мўйноқ меники!” дедим. Севимли шоиримиз Тиловерган ога Жумамуродов ҳақида сўз кетганида, улуг инсонлар кўп бора: “Мўйноқ Тиловерганики, Тиловерган Мўйноқники эди”, деганини эшитганим. Ўша ерда шу гапни ўзимга боғлаб айтганимдан заъв олганман. Бу билан устозимни баҳса ютганимдан эмас, Мўйноқ, Тиловерган ога билан кўз илғамас сириш ришта борлигини уқитганимга қувонганимдан. Шу-шу “мўйноқлик киз”, деб чақираганим бўлибди.

Ўқиниш тамомлаб, “Мўйноғим, қайдасан?” деб қишлоққа қайтиб келдим. Ёш кунларимнинг бирида одатий рўзгор ишлари учун эрта тонгдан уйғондим. Кўзимни қайта-қайта уқалаб қарадим, уй ичи, гилам ва бошқа жиҳозлар қор ёққандай оппоқ. Унинг чанг эмаслиги аниқ эди. Энам “Тавба”, деб ёқсини ушлади. Кейин билсак, бу Оролнинг қуриган тубидан учган тузли шамолнинг “қудрати” экан. Бундан мўйноқликлар саросимага тушди. Қанча экология инқирози, қуруқчилик бўлса ҳам бунчалик шўр, чангли шамолни сира кўрмагандик.

Мўйноқликлар доим қозон-товоғини тоза тутарди. Ўчоқ-тандирини оқлаб, сувсизликка чидамли дарахтлар эккан. Ҳатто уйимизда молларимиз кўз нурини бериб, ёпқичлар тўқирди. Мана шундай озода халқ бу офатдан чўчиди. Бу ҳолат қўшни давлатларга ҳам етиб борибди. Бундай оғир шароитда Оролнинг қайтиши ҳақидаги ўйлар ҳам саробдай кўрина бошлаганди. Ана шундай мураккаб вазиятда янги Ўзбекистон шабадаси Мўйноқга янги ҳаёт нафасини олиб келди.

Президентимизнинг қадами қутлуг келиб, булоқлар кўз очди. Саф торган тракторлар қарвони Оролнинг қуриган тубига йўл олди. Халқимиз чанг ва тузли шамолни тўсайдиган яшиллик уруғини сепди. Бундай эзгу амалларни Президентимиз “Қорақалпоқ фарзандиман”, дег бошлаб бергани бизга кўтаринки руҳ берди. Қолаверса, “Оғизбирликда гап кўт” деган сўз ҳам тасдиғини топди. Чунки барча вилоятлардан келган юрдошларимиз аҳил оила фарзандлари каби ҳамжихатлик ила меҳнат қилди.

Мамлакатимиз етакчиси 2018 йил ноябрь ойидаги ташрифи чоғида Мўйноқ туманида фаоллар, нуронийлар билан учрашиб, “Маданият



Венера САДУЛЛАЕВА,  
“Future Muynak” ахборот-таълим маркази раҳбари

Мўйноқдан бошланади”, деган эди. Бу гап ҳар бир мўйноқликнинг кўнглида умид уйғотди, гурур-ифтихор туйғусини жонлантириб, ўзига ишончини оширди. Яна катта масъулият юклатди.

Ўтган қисқа вақт ичида ушбу сўз ўз тасдиғини топиб борапти. Ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар гувоҳи бўлмоқдамиз. Қундан кунга чирой очиб бораётган юртим жамолини кўриб,



янада кучлироқ боғланиб бораётган бу жойга. Ҳозир Мўйноқ таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги бинолар қад ростлаган, ҳар кун бирор хайрли ишга дуч келасиз. Тантаналар тўй-томошага уланиб кетяпти. Ҳатто бир кунда етти та объект фойдаланишга топширилган кунлар бўлди. Бундай ишлар сабаб халқимизнинг ёши улуглари қўлини дуога очган, ёшлар доим миннатдорлик билдиради.

Қадим ҳикматларда “Мамлакатни ривожлантириш учун ўша халқнинг ёшларини зукко, билимли, илғор фикрли, комил инсон этиб тарбияла”, деган сўзларни кўп ўқиганман. Президентимиз, аввало, туманимиз ёшларига оталарча ғамхўрлик кўрсатди.

Республикаси Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Натижада туманга инвесторларни жалб қилиш ва тадбиркорларга қўлайликлар яратишга жиддий эътибор берилди. Тумандаги эски Мўйноқ балиқ консерва комбинати ҳудудидида 16 гектар ва эски 5-куртин бошқармаси ҳудудидида 4,5 гектар, жами 20,5 гектар майдонда янги “Мўйноқ” кичик саноат зонасини яратилди. Унда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, туман ҳудудидида жойлашган барча яққа тартибдаги тадбиркорлар 10 йилга барча турдаги солиқлардан озод этилди.

Бундан ташқари, Мўйноқдаги бўш турган объектлар самарали фойдаланиш учун инвесторларга бепул берилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектлари сони кескин кўпайди. Шу тариқа туманимиз турмуш даражаси яхшиланди.

“Беъ ташаббус олимпадаси” туман ёшларини бирлаштириб, янги марралар сари бошламоқда. Ёшларимизда спорт, ахборот технологиялар, китобхонлик, мусиқага ошно тутиниш иштиғи ҳар қачонгидан кучлироқ.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида 2019 йилда туман марказида янги бино қад ростлади. Унда “Future Muynak”, яъни “Мўйноқ келажаги” ахборот-таълим маркази жойлашди. У энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги “Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туманимизда кенг қамлали ишларга замин яратди. Ушбу қарор асосида туманда йирик бунёдкорлик ишлари қилинди. Тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланди, Оролнинг қуриган тубида яшил қопламалар ҳосил қилинди. Салобатли бинолар қуриш билан бирга туман келажаги учун хизмат қиладиган ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туманда табиёт ҳодимлари деярли йўқ эди. Иқтисодий ёшлар кўп, лекин табиёт йўналишида ўқишга қабул қилиниш рейтингини паст эди. 2019 йилда Президентимиз ташаббуси билан туманимиздан 50 нафар ёш олий ўқув юртига қабул қилинди. Уларнинг 25 нафарини яқин орада туманга тажрибали шифокор бўлиб қайтиши бизни ҳозирданок қувонтирмоқда. Ўтган 2025 йилда мўйноқлик 550 нафар ёш талаба-балиқ бахтига муяссар бўлди. Ҳозирги имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшлар келажақ кафолат бўлади.

Мўйноқ туманининг иқтисодий-иқтисодий, экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолига иш ўринлари яратиш бериш борасида ҳам самарали ишлар бажарилди. Президентимизнинг 2017 йилдаги “2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон

Замонавий қурилмалар ўрнатилди. Асосийси, билим булоғи, маънавий озуқа бўлган қимматли китоблар билан бойитилиб, Мўйноқ ёшларига совға қилинди. Ниятим амалга ошишига сабаби бўлган бундай ғамхўрликдан бошим кўкка етди. Зеро, бу ерда ҳақиқий келажақ эгалари етишиб чиқади.

Ушбу марказда ўқиш амалий кўникмалар билан уйғун ҳолда олиб борилади. Мақсад ёшларни юқори даражада тайёрлаб, Мўйноқ тумани рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантиришдир.

Ўқитиш асосан анимация, веб-дизайн, дастурлаш, фото тасвирлар рақамли қайта ишлаш ва компьютер анимацияси, замонавий моделлаштириш йўналишларида ташкил этилган. Барча зарур жиҳозларга эга бинода 5 минг дона китоб, замонавий “Book safe” ташкил этилган.

Марказда 12-18 ёшли ўғил-қизлар таълим олади. Улар бу ерда бўш вақтини самарали ўтказишади. Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ўқитувчилари бепул дарс ўтади. Ҳозиргача тумандаги 250 дан ортиқ мактаб ўқувчиси компьютер курсларида таълим олди. Жараён яна давом этмоқда.

“Book safe” 25 ўринга мўлжалланган. У ўзига хос дизайнда ишланган. Китоблар одатдаги жавонга (шкаф) эмас, табиат тасвири акс этган деворга жойлаштирилган. Қаҳвахонада китобларни шу ернинг ўзида ўқиш талаб қилинади. Сокин, ёзда салқин, қишда илқ, кенг, ёруғ хонада мутолаа қилиш, янги китоблар билан танишиш имкониятини инъом этади. Ҳар кун бу ерга 50 дан ортиқ китобхон келади. Уларнинг ёши чекланмаган. Чунки бу ерда 2 ёшли болалар томоша қиладиган китобдан тортиб, кексаю ёш бирдек ёқирадиган қимматли адабиётларга ҳам жамланган. Китобхонларимиз орасида 70, 80 ёшни қарши олган кекса авлод вакиллари ҳам кўп. Бу бизни янада илҳомлантиради.

Ушбу манзил туман ёшларини сеҳрлаб олгандек. Улар мактабдан бўш вақтида уйига келаётгандек шу ерга ошпади. Бепул Wi-Fi дан фойдаланиб электрон китоб ўқиш, асарларни аудио шаклда тинглаш имконияти мавжуд. Китобхонлар вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида шoir ва ёзувчилар билан учрашувлар, янги-янги китоблар тақдироти, семинар-тренинглр, хорижлик сайёҳлар билан мулоқотлар ўтказиб турилади. Ёшлар бу ерда хорижий тилларни мукамал ўрганиш имкониятига ҳам эга. Шунинг ўзиче маданият Мўйноқдан бошла-наётганининг далили!

Сўнгги русумдаги компьютер қаршида ўтириб, унинг тутмачаларини чиққилаётган 12 яшар болани кўриб қувонасиз. Унинг тисмолида юқори маданият ва билимга эга халқнинг келажакини кўрасиз. “Future Muynak” ахборот-таълим марказига келаётган ҳар бир боланинг ўзини тутиши, билимга чанқоқлиги, хорижликлар билан бемалол тиллашаётганидан дол қоласиз.

Ҳа, юртимнинг бахтиёр ёшларидан бириман! Ўзидан нур таратаётган Мўйноқнинг фарзанди бўлиб, зиёлар орасида юриб, болага китоб тўқатишдек савобли ишини ишонимдан ахир!

Туманимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, ёруғ келажаққа берилган ишонч бизга куч-қувват бўлди. Мўйноқликлар инсон кўп ишларга қодир эканини анлади. Ҳамма нарсадан фақат яхшилик излайдиган кенг фел халқимиз Орол денгизини йўқотганида ҳам тушқунликка тушмади. Доим умид, эзгу ният билан яшади. Улар дорилмон кунлар олдинда эканига биз, ёшларни ишонтириб келди. Ниҳоят шундай бахтли, ёруғ кунларга етиб келдик. Бу ишонч бугунги кунда янада мустаҳкамланиб бормоқда.



Ҳа, юртимнинг бахтиёр ёшларидан бириман! Ўзидан нур таратаётган Мўйноқнинг фарзанди бўлиб, зиёлар орасида юриб, болага китоб тўқатишдек савобли ишини ишонимдан ахир!

Туманимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, ёруғ келажаққа берилган ишонч бизга куч-қувват бўлди. Мўйноқликлар инсон кўп ишларга қодир эканини анлади. Ҳамма нарсадан фақат яхшилик излайдиган кенг фел халқимиз Орол денгизини йўқотганида ҳам тушқунликка тушмади. Доим умид, эзгу ният билан яшади. Улар дорилмон кунлар олдинда эканига биз, ёшларни ишонтириб келди. Ниҳоят шундай бахтли, ёруғ кунларга етиб келдик. Бу ишонч бугунги кунда янада мустаҳкамланиб бормоқда.